

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

М. Ибадуллаев

Назарий электротехникадан
масалалар тўплами

Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма

Тошкент 2007

Тақризчилар: т.ф.д., профессор Хошимов О.О.
т.ф.д., профессор Абдуқаюмов А.

Ўқув қўлланма “Назарий электротехника” фани ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, электр занжирлари қисмидан масалалар ечиш бўйича намуналар кўрсатилиб, мустақил ечиш учун масалалар берилган ва талаба билимини текшириб кўришлари учун синов саволлари келтирилган. У олий ўқув юртларининг энергетика, электромеханика, электротехнология, автоматика, радиотехника, ахборот технологияси йўналишлари бўйича таълим оладиган талабалар учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма бакалаврият ва магистратура талабалари, аспирантлар ва мухандис ходимлар учун мўлжалланган.

Тошкент Давлат Авиация институти услубий Кенгаши қарорига асосан чоп этишга рухсат этилган. (Баённома №4 3.04.2006.)

Муқаддима

Ўқув қўлланма “Назарий электротехника” фани дастури асосида тузилган бўлиб, чизиқли электр занжирлари қисмидан масалалар ечиш учун намуналар кўрсатилган ҳамда мустақил ечиш учун масалалар тўплами ва назарий билимини синаш учун синов саволлари берилган.

Ҳар бир бобга оид масала ечиш учун зарур бўлган асосий: қонун қоидалар, формула, тенгламалар, аналитик, график, вектор, комплекс ифодалари ва ҳисоблаш усуллари бўйича фаннинг назарий қисмидан қисқача тушунчалар берилган.

Ҳар бир бобнинг мазмунига мос равишда масалалар танланиб, ечиш услуби кўрсатилган ва мустақил ечиш учун масалалар тўплами берилиб, талаба назарий билимини текшириб кўриш учун синов саволлари келтирилган.

Ўқув қўлланма энергетика, электротехника, электромеханика, электротехнология, гидроэнергетика, автоматика, радиотехника ва ахборот технология соҳалари бўйича таълим оладиган талабаларга мўлжалланган бўлиб, ундан соҳа мутахасислари, муҳандислар, магистрлар ва аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма талабаларга амалий машғулот дарсини ўтишда фойдаланишга тавсия этилиб, мустақил масала ечишни ўрганиш, ҳисоб – график ишини бажариш ва назарий билимларини амалда синаб кўришларида ёрдам бўлади деган умиддамиз.

1-Боб.


Чизиқли ўзгармас ток занжирлари.

1-1. Асосий назарий тушунчалар.

Электротехника фанининг ривожланишига буюк олимлар: Г. Ом, Э. Ленц, Д. Джоуль, Г. Кирхгофлар асос солган бўлиб, 1827 йилда немис олими Ом ток, кучланиш ва қаршиликларнинг орасида ўзаро боғланиш қонунини яратди. 1842 йилда рус олими Э. Ленц ва инглиз олими Д. Джоуллер электр ток энергиясининг иссиқлик энергия ўзгартириш қонунига асос солди. 1845 йилда Г. Кирхгоф электр ток занжирларини ҳисоблаш учун асосий қонунларни тадбиқ этди.

1. Ўзгармас ток – вақт бўйича ўзгармас бўлиб, $I = \frac{q}{t}$ (А). Ўзгармас ток генератори, аккумулятор, галваник элементлар, фотоэлементлар, термopара, пьезодатчик ва ҳақозолар ўзгармас ток манбаи ҳисобланади.

Амалда; механик, химиявий, ёруғлик ва бошқа хилдаги энергияларни электр ток энергияси ўзгартириш билан **электр ток манбаи** ҳосил қилинади. Электр ток энергиясини истемолчиларга; узатиш линияси, кабель симлари орқали етказилади ва бундай боғланишни электротехникада **берк электр ток занжири** дейилиб қуйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин.




E – манба э.ю.к.

R – истемолчи қаршилиги.

R_0 – манба ички қаршилиги

Истемолчиларда эса электр ток энергияси, бошқа хилдаги энергияларга ўзгартирилади (механик, иссиқлик, ёруғлик, химиявий ва ҳақозолар).

Электр ток занжирлари тармоқланмаган ва тармоқланган бўлиб, истемолчиларни бирлаштирувчи симларга – **тармоқ** ва учтадан кўп тармоқларни бирлаштирувчи нуқталарга – **туғун** деб аталади.



Икки қутбли электр ток занжирлари таркибида электр энергия манбаи бўлганда **актив** ёки аксинча **пассив** бўлиши мумкин.




Электр ток занжирларини ҳисоблашдаги асосий мақсад истемолчилардаги тармоқ тоқлари, кучланишлари ва сарф бўладиган электр энергия қувватини ҳисоблаб топишдан иборат бўлиб, Ом ва Кирхгоф қонунларидан фойдаланилади.

2. Электр кучланиш ёки **потенциллар фарқи** деб – электр майдон E (манба) тасирида бирор мусбат q заряднинг l масофага кўчирилишида бажарилган ишга айтилади ва Вольтда ўлчанади.

$$U_{AB} = \frac{A}{q} = \int_A^B E dl = \varphi_a - \varphi_b \quad (B) \quad (1-1)$$

Масалан: R – қаршиликдаги кучланиш патенциаллар айирмасига ёки манба кучланишига тенг:



$$\varphi_a - \varphi_b = U_{AB} = IR; \quad \varphi_b - \varphi_a = U_{ba} = E$$

Бунда:

$$U_{ba} = -U_{ab}$$


3. Электр занжирлари учун Ом қонуни

Актив қаршилиги бўлган занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни

$$U_{ab} = U = RI \quad (B) \quad \text{ёки} \quad I = \frac{U}{R} \quad (A) \quad (1-2)$$

Бундан: $R = \frac{U}{I}$ (Ом); $g = \frac{1}{R}$ ($\frac{1}{\text{Ом}} = \text{Сименс}$) – ўтказувчанлик (1-3)

У холда қаршилик Вольт–Ампер характеристикаси $I = f(U)$ чизикли ўзгаради.



Электр ток занжирига манба уланган холда бутун занжир учун Ом қонуни қуйдагича тенглама билан ифодаланилади.

Потенциаллар тенграмасига асосан:

$$\varphi_d = \varphi_2 + R_3 I, \quad \varphi_c = \varphi_d + E_2, \quad \varphi_b = \varphi_c + R_2 I, \quad \varphi_a = \varphi_b - E_1, \quad \varphi_1 = \varphi_a + R_1 I$$

Ёки $\varphi_1 = \varphi_2 + R_3 I + E_2 + R_2 I - E_1 + R_1 I, \quad \varphi_1 - \varphi_2 = U_{12}$



$$U_{12} = (R_1 + R_2 + R_3)I - E_1 + E_2$$

Бундан:

$$I = \frac{E_1 - E_2 + U_{12}}{R_1 + R_2 + R_3} \quad (1-4)$$

4. Электр манбаи эквивалент схемалари:

Амалда электр ток занжири ва ташқи Вольт – Ампер характеристикалари $U(I)$ қуйдагича ифодаланилади:



$$\text{Ушбу занжирдан оқиб ўтувчи ток: } I = \frac{E}{R_0 + R} \quad (1-5)$$

$$\text{Ўқи: } U = RI$$

Кирхгофнинг 2- қонунига асосан: $R_0 I + RI = E$


$$\text{Ўқи: } U = E - R_0 I$$

Вольт – Ампер характеристикасидан яни (1-5) тенгламадан: $E = const$ ва $R_0 = const$ характеристикаси тўғри чизиqli бўлиб, кучланиш манбаи ташқи характеристикасини $U(I)$ ифодалайди:

$$\text{А) салт ҳолатда } R = \infty, I = 0 \text{ бўлиб: } U = U_0 = E \quad (1-6)$$

$$\text{Б) қисқа туташтирилганда: } R = 0, U = 0 \text{ бўлиб: } I = I_K = \frac{E}{R_0} \quad (1-7)$$

$R_0 = 0$ бўлганда эса идеал кучланиш манбаи бўлиб: $U = E = const$



Ушбу схемани истемолчи қаршилигига нисбатан бошқа кўринишда келтириш мумкин.

Бунинг учун (1-5) тенгламадан манба ички қаршилиги R_0 га бўлиб юборилса:

$$\frac{U}{R_0} = \frac{E}{R_0} - I \quad (1-8)$$


(1-7) тенгламага асосан:

$$I_K = \frac{E}{R_0} = J \text{ ва } \frac{U}{R_0} = I_0 \text{ ёқи } I_0 = J - I \quad (1-8')$$

Бундан: $J = I_0 + I$ ток манбаи бўлади. $(1-9)$

$$\text{Ўқи: } I = J - \frac{U}{R_0} \quad (1-10)$$

(1-10) тенгламага асосан ток манбаи (энергия) эквивалент схемаси ва ташқи характеристикаси қуйдагича ифодаланилади:




Ток манбаи ташқи характеристикасидан:

$$\text{А) салт ҳолатда: } R = \infty, I = 0 \text{ ёқи } J = I_K = \frac{U}{R_0}; \quad U = U_0 = I_K R_0 = E$$

Б) қисқа туташувда: $R=0; U=0$ ёки $I = I_k = J = \frac{E}{R_0}$

Бунга асосан:



Агар $R_0=\infty, (g_0=0)$ бўлса, идеал ток манбаи бўлади: $J=I=const$.

Натижада электр ток занжирларининг ҳисоблашда идеал э.ю.к манбаини эквивалент ток манбаига алмаштириш ёки аксинча амалга ошириш мумкин бўлади.


Масалан: Берилган схемада э.ю.к манбаси $E=12 В$ ички қаршилиги $R_0=2 Ом$. Ток манбаи эквивалент схемаси тузилсин:

Ечиш:

Ток манбаи қийматини аниқлаймиз.

$$\text{Ом қонунидан: } J = \frac{E}{R_0} = \frac{12}{2} = 6 А$$

Эквивалент схемасини қуйдагича ифодаланади:



Бунда э.ю.к манба билан ток манбаи J йўналишлари бир хил бўлади.

5. Электр ток занжирлари учун Кирхгоф қонунлари.

Кирхгоф қонунлари электр ток занжирларини ҳисоблашда асосий қонунлардан бўлиб, барча ҳисоблаш усулларнинг ҳам негизи ҳисобланади.

Кирхгоф қонунларига асосан ρ - тармоқ. q - тугундан ташкил топган электр ток занжирини ҳисоблаб тармоқ тоқлари учун $K = \rho - (q-1)$ тузилган тенгламани ечиш билан бажарилади.

Кирхгофнинг 1 – қонуни: $\sum I = 0$ - тармоқ тоқларининг алгебраик йиғиндиси нолга тенг.

Кирхгофнинг 2 – қонуни: $\sum E = \sum RI$ - контур э.ю.к алгебраик йиғиндиси шу контурга кирувчи қаршилиқлардаги кучланишларнинг алгебраик йиғиндисига тенг.

6. Электр занжирларида қувватлар мувозанати.

Электр занжирларида энергия мувозанатланиши қонунига асосан: манбалар электр ток қуввати, истемолчиларда сарф бўладиган электр ток қувватларига тенг бўлади.

$$\sum P_{ГЕН} = \sum P_{ИСТ}$$

Ўки:
$$\sum_m E_m I + \sum_n J_n U = \sum_K I^2 R_k$$

бунда: m – э.ю.к манбалар сони


n – ток манбалар сони

k – истемолчи қаршиликлар сони

U, I – бир хил йўналишдаги ток ва кучланишлар.

1-2. Масала ечиш.

Масала 1-1. Кетма – кет уланган электр ток занжирининг э.ю.к-лари $E_1=4$ В, $E_2=2$ В, қаршиликлари $R_1=4$ Ом, $R_2=6$ Ом тенг. Ток қиймати ва потенциаллари аниқланиб, диаграммаси тузилсин



Ечиш: Ом қонунига асосан ток қийматини топамиз:

$$I = \frac{E_1 - E_2}{R_{ум}} = \frac{4 - 2}{R_1 + R_2} = \frac{2}{10} = 0,2 \text{ (A)}$$

Бунда: $E_1 > E_2$ бўлганлиги учун ток соат стрелкасига мос йўналган бўлади.

Потенциаллар фарқини аниқлаш учун $\varphi_a = 0$ деб оламиз.

Бунда: $\varphi_б - \varphi_a = R_1 I$, ёки $\varphi_б = \varphi_a + IR_1 = 0 + 0,2 \cdot 4 = 0,8$ (В)

$\varphi_в$ - потенциали:

$$\varphi_б - \varphi_в = E_2 \text{ ёки } \varphi_в = \varphi_б - E_2 = -3,2 \text{ (В)}$$


φ_z - потенциали:

$$\varphi_в - \varphi_z = IR_2 \text{ ёки } \varphi_z = IR_2 + \varphi_в = 0,2 \cdot 6 - 3,2 = -2 \text{ (В)}$$


Ушбу тенгламалардан: $\varphi_a - \varphi_z = E_2$ бўлиб:

$$\varphi_a = E_2 + \varphi_z = 2 - 2 = 0 \text{ (В)}$$

Потенциал диаграммасини тузамиз.




Масала 1-2. Тармоқланган электр ток занжири параметрлари $R_1=40 \text{ Ом}$, $R_2=120 \text{ Ом}$, $R_3=60 \text{ Ом}$, $R_4=90 \text{ Ом}$, $R_5=10 \text{ Ом}$, $R_6=10 \text{ Ом}$ бўлиб, $U=120 \text{ В}$ ўзгармас кучланишга уланган. Эквивалент қаршилиги ва тармоқ токлари аниқлансин.



Ечиш:

Эквивалент қаршилиқлар схемасини тузамиз:



Занжирнинг эквивалент ёки умумий қаршилигини топамиз

Бунинг учун биринчи навбатда R_{13} ва R_{45} қаршилиқларни параллел қўшамиз:

$$\frac{1}{R_{13}} = \frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_2} + \frac{1}{R_3} = \frac{1}{40} + \frac{1}{120} + \frac{1}{60} = \frac{6}{120}$$

$$\text{Бундан: } R_{13} = \frac{R_1 \cdot R_2 \cdot R_3}{R_1 + R_2 + R_3} = \frac{120}{6} = 20 \text{ Ом}$$

$$R_{45} = \frac{R_4 \cdot R_5}{R_4 + R_5} = \frac{90 \cdot 10}{90 + 10} = \frac{900}{100} = 9 \text{ Ом}$$

Умумий эквивалент қаршилиқ:

$$R = R_{13} + R_{45} + R_6 = 20 + 9 + 11 = 40 \text{ Ом.}$$

Умумий токни аниқлаймиз:

$$I = \frac{U}{R} = \frac{120}{40} = 3 \text{ А}$$

Тугун потенциали ёки кучланишни аниқлаймиз:

$$U_{аб} = I \cdot R_{13} = 3 \cdot 20 = 60 \text{ В}$$

$$U_{ёе} = I \cdot R_{45} = 3 \cdot 9 = 27 \text{ В}$$

$$U_е = I \cdot R_6 = 3 \cdot 11 = 33 \text{ В}$$

Энди тармоқ тоқларини топамиз:

$$I_1 = \frac{U_{аб}}{R_1} = \frac{60}{40} = 1,5 \text{ А}$$

$$I_2 = \frac{U_{аб}}{R_2} = \frac{60}{120} = 0,5 \text{ А}$$

$$I_3 = \frac{U_{аб}}{R_3} = \frac{60}{60} = 1 \text{ А}$$

$$I_4 = \frac{U_{ёе}}{R_4} = \frac{27}{90} = 0,3 \text{ А}$$

$$I_5 = \frac{U_{\delta\epsilon}}{R_5} = \frac{27}{10} = 2,7 \text{ A}$$

Масалани ечимини текшириб кўрамиз:

$$U = U_{a\delta} + U_{\delta\epsilon} + U_{\epsilon} = 60 + 27 + 33 = 120 \text{ B}$$

$$I = I_1 + I_2 + I_3 = 1,5 + 0,5 + 1 = 3 \text{ A}$$

Қувватлар мувозанати тенгламасига асосан:

$$P_{манба} = P_{исм} = I_1^2 R_1 + I_2^2 R_2 + I_3^2 R_3 + I_4^2 R_4 + I_5^2 R_5 + I_6^2 R_6 =$$


$$= (1,5)^2 \cdot 40 + (0,5)^2 \cdot 120 + (1)^2 \cdot 60 + (0,3)^2 \cdot 90 + (2,7)^2 \cdot 10 + (3)^2 \cdot 10 = 351 \text{ BT} = 360 \text{ BT}$$

Ҳисоблашдаги хатолик:

$$\gamma = \frac{P_{ген} - P_{исм}}{P_{исм}} \cdot 100\% = \frac{360 - 351}{351} 100\% = 2,7\%$$

Масала 1-3. Аралаш схемада уланган ток занжири параметрлари: $R_1=19 \text{ Ом}$, $R_2=2 \text{ Ом}$, $R_3=4 \text{ Ом}$, $R_4=4 \text{ Ом}$, $R_5=0,6 \text{ Ом}$ бўлиб, R_2 қаршиликда $P_2=32 \text{ BT}$ электр қуввати сарфланади.

Занжирнинг тармоқ тоқлари манба кучланиши ва қуввати аниқлансин.



Ечиш:

R_2 қаршиликдан оқиб ўтувчи I_2 токни топамиз:

$$I_2 = \sqrt{\frac{P_2}{R_2}} = \sqrt{\frac{32}{2}} = 4 \text{ A}$$

a ва ϵ потенциал кучланиши аниқлаймиз:

$$U_{a\epsilon} = I_2(R_2 + R_3) = 4(2 + 4) = 24 \text{ B}$$

R_4 қаршиликдан оқиб ўтувчи ток:

$$I_3 = \frac{U_{a\epsilon}}{R_4} = \frac{24}{4} = 6 \text{ A}$$

Умумий ток: $I_1 = I_2 + I_3 = 4 + 6 = 10 \text{ A}$

Занжирнинг умумий қаршилигини аниқлаймиз:

$$R_{ум} = R_1 + \frac{R_4(R_2 + R_3)}{R_4 + R_2 + R_3} + R_5 = 19 + \frac{4(2 + 4)}{4 + 2 + 4} + 0,6 = 19 + 0,6 + \frac{24}{10} = 22 \text{ Ом}$$

Манба кучланиши: $U = I_1 R_{ум} = 10 \cdot 22 = 220 \text{ B}$

Манба қуввати: $P = U \cdot I_1 = 220 \cdot 10 = 2200 \text{ BT}$.

Масала 1-4. Икки контурли электр ток занжири манба кучланишлари: $E_1=8 \text{ B}$, $E_2=6 \text{ B}$, $E_3=36 \text{ B}$ қаршиликлари: $R_1=3 \text{ Ом}$, $R_2=1 \text{ Ом}$, $R_3=2 \text{ Ом}$, $R_{01}=1,3 \text{ Ом}$, $R_{03}=1,2 \text{ Ом}$, $R_4=6 \text{ Ом}$, $R_5=8 \text{ Ом}$ тенг. Контурли ток ва тугунлараро кучланишлар

усулига асосан тармоқ тоқлари, вольтметр кучланиши ва қувватлар баланси аниқлансин.


Ечиш:

Мустақил контурлардаги контур тоқлари I_a, I_b йўналишларини белгилаймиз.

Кирхгофнинг 2- қонунига асосан, контур тоқлар тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$\left. \begin{aligned} R_{11} \cdot I_a - R_{12} \cdot I_b &= E_{11} \\ -R_{21} \cdot I_a + R_{22} \cdot I_b &= E_{22} \end{aligned} \right\}$$

Бу ерда: R_{11}, R_{22} – контурларнинг хусусий қаршилиқлари.



$$R_{11} = R_1 + R_{01} + R_2 + R_4$$

$$R_{22} = R_1 + R_{01} + R_3 + R_{03} + R_5$$

$R_{12} = R_{21}$ - контурлараро қаршилиқ:

$$R_{12} = R_{21} = R_1 + R_{01}$$

E_{11} ва E_{22} – мос контурга алақодор бўлган манбаларнинг ЭЮК ларнинг алгебрик йиғиндиси.

Бу ҳолда, агар манбаи э.ю.к йўналиши билан контур токи йўналиш мос бўлса, унинг ишораси **мусбат** олинади ва аксинча **манфий** ишорали олинади.

Шунга асосан:

$$E_{11} = E_2 - E_1$$

$$E_{22} = E_1 - E_3$$

Тенгламаларга сон қийматларини қўйсак :

$$\left. \begin{aligned} (3 + 1,3 + 6 + 2) \cdot I_a - (3 + 1,3) \cdot I_b &= 6 - 8 \\ -(3 + 1,3) \cdot I_a + (3 + 1,3 + 1 + 1,2) \cdot I_b &= 8 - 36 \end{aligned} \right\}$$

Ёки:

$$\left. \begin{aligned} 12,3 \cdot I_a - 4,3 \cdot I_b &= -2 \\ -4,3 \cdot I_a + 14,5 \cdot I_b &= -28 \end{aligned} \right\}$$

Тенгламалар системасини Крамер усулида ечамиз:

$$\Delta = \begin{vmatrix} 12,3 & -4,3 \\ -4,3 & 14,5 \end{vmatrix} = 178,35 - 18,49 = 159,86$$

$$\Delta_1 = \begin{vmatrix} -2 & -4,3 \\ -2,8 & 14,5 \end{vmatrix} = -29 - 120,4 = -149,4$$

$$\Delta_2 = \begin{vmatrix} 12,3 & -2 \\ -4,3 & -28 \end{vmatrix} = -344,4 - 8,6 = -353,0$$

$$I_a = \frac{\Delta_1}{\Delta} = \frac{-149,4}{159,86} = -0,93 A$$

Бундан:

$$I_e = \frac{\Delta_2}{\Delta} = \frac{-353,0}{159,86} = -2,21 A$$

Энди шахобчалардаги тоқларни аниқлаймиз:

$$I_1 = I_e - I_a = -2,21 - (-0,93) = -1,28 A;$$

$$I_2 = I_a = -0,93 A;$$

$$I_3 = -I_e = 2,21 A;$$

I_1 ва I_2 тоқларнинг минус ишорали бўлиши, уларнинг занжирдаги ҳақиқий йўналиши, биз қабул қилганга нисбатан тескари эканлигини ифодалайди.

2. Тугун потенциаллари усулига асосан ҳисоблаш.

1. Бу усулга асосан, шахобчалардаги тоқларни тугун потенциаллари орқали ифодалаймиз. Номалум потенциалларни аниқлаш учун $q - I$ та тенглама тузиш керак, яъни ихтиёрий тугун потенциаллари “маълум” ёки “нолга” тенг деб қабул қилинади. Берилган схема икки тугундан иборат, демак φ_a тугун потенциалини “нол”, деб қабул қилиб битта тенглама тузамиз.

$$g_{ee} \cdot \varphi_e = J_e$$

Бу ерда: φ_b - аниқлаши керак бўлган тугун потенциаллари.

g_{bb} - «в» тугунга кирувчи шахобчаларнинг ўтказувчанликлари йиғиндиси.

J_b - ЭЮК га эквивалент бўлган ток манбаларининг алгебрик йиғиндиси.

Бунда, агар ток манбаи йўналиши тугунга йўналган бўлса, “мусбат” ва аксинча “манфий” ишора билан олинади.

Демак:

$$g_{ee} = \frac{1}{R_2 + R_4} + \frac{1}{R_1 + R_{01}} + \frac{1}{R_3 + R_{03} + R_5}; \left(\frac{1}{O_M}\right)$$

$$J_b = \frac{E_1}{R_1 + R_{01}} + \frac{E_2}{R_2 + R_4} + \frac{E_3}{R_3 + R_{03} + R_5}; (A)$$

Сон қийматлари қўйилса:

$$\left(\frac{1}{2+6} + \frac{1}{3+1,3} + \frac{1}{1+1,2+8} \right) \varphi_a = \frac{8}{3+1,3} + \frac{6}{2+6} + \frac{36}{1+1,2+8}$$

Ёки:

$$\varphi_e = 13,49 (B)$$

2. Шахобчалардаги тоқлар эса:

$$I_1 = \frac{-\varphi_e + E_1}{R_1 + R_{01}} = \frac{-13,49 + 8}{3 + 1,3} = \frac{-5,49}{4,3} = -1,28 A;$$

$$I_2 = \frac{-\varphi_e + E_2}{R_2 + R_4} = \frac{-13,49 + 6}{2 + 6} = \frac{-7,49}{8} = -0,936 A;$$

$$I_3 = \frac{-\varphi_e + E_3}{R_3 + R_{03} + R_5} = \frac{-13,49 + 36}{1 + 1,2 + 8} = \frac{22,51}{10,2} = 2,206 A;$$

3. Вольтметрнинг кўрсатишини аниқлаймиз:

$$U_V = -I_2 R_4 + I_1 R_1 = -(-0,93) 6 + (-1,28) 3 = 1,74 \text{ В}$$

4. Қувватлар баланси тенгламасига асосан. $P_{ман} = P_{уст}$ тенг бўлиб, манбалар қуввати:


$$P_{ман} = E_1 I_1 + E_2 I_2 + E_3 I_3 = 8 (-1,28) + 6 (-0,93) + 36 2,21 = -10,24 - 5,58 + 79,56 = 63,74 \text{ Вт}$$

Истеъмолчиларда сарф бўладиган қувват:

$$P_{уст} = I_1^2 \cdot (R_1 + R_{01}) + I_2^2 \cdot (R_2 + R_4) + I_3^2 (R_3 + R_{03} + R_5) = 1,28^2 \cdot (3 + 1,3) + 0,93^2 (2 + 6) + 2,21^2 (1 + 1,2 + 8) = 7,045 + 6,91 + 49,81 = 63,76 \text{ Вт}$$

Ҳисоблашдаги хато:
$$j\% = \frac{|P_{уст} - P_{ман}|}{|P_{уст}|} \cdot 100\% = \frac{63,76 - 63,74}{63,76} \cdot 100\% = 0,03\%$$

Масала 1-6. Электр ток занжирининг манба кучланишлари $E_1 = 10 \text{ В}$, $E_2 = 40 \text{ В}$, $E_3 = 5 \text{ В}$ қаршиликлари $R_1 = 35 \text{ Ом}$, $R_2 = 5 \text{ Ом}$, $R_3 = 10 \text{ Ом}$ тенг. Устма – устлик усулига асосан тармоқ тоқлари аниқлансин.



Ечиш:

Устма – устлик усулига асосан занжир тармоқларидан оқиб ўтадиган ток ҳар бир э.ю.к алоҳида тасирида оқадиган тармоқ тоқларнинг алгебраик йиғиндисига тенг бўлади:


$$I_1 = I_1' + I_1'' + I_1'''$$

$$I_2 = I_2' + I_2'' + I_2'''$$

$$I_3 = I_3' + I_3'' + I_3'''$$

Ушбу тоқларни аниқлаш учун берилган схемани битта э.ю.к дан иборат бўлган оддий эквивалент схемаларга ажратамиз.

а) $E_1 = 10 \text{ В}$, $E_2 = E_3 = 0$ бўлган ҳолат учун тармоқ тоқлари I_1' аниқлаймиз:




$$I_1' = \frac{E_1}{R_{экв}} = \frac{E_1}{R_1 + \frac{R_2 \cdot R_3}{R_2 + R_3}} = \frac{10}{\frac{115}{3}} = \frac{6}{23} \text{ А}$$

$$I_2' = I_1' \frac{R_2}{R_2 + R_3} = \frac{6}{23} \cdot \frac{10}{5 + 10} = \frac{4}{23} \text{ А}$$

$$I_3' = I_1' \frac{R_3}{R_2 + R_3} = \frac{6}{23} \cdot \frac{5}{5 + 10} = \frac{2}{23} \text{ А}$$

б) $E_2=40\text{ В}$, $E_1=E_3=0$ бўлганда I_1'' тармоқ тоқларини топамиз:




$$I_2' = \frac{E_2}{R_{\text{экв}}} = \frac{E_2}{R_2 + \frac{R_1 \cdot R_3}{R_1 + R_3}} = \frac{40}{115} = \frac{72}{23} \text{ А}$$

$$I_1'' = I_2' \cdot \frac{R_3}{R_1 + R_3} = \frac{72}{23} \cdot \frac{10}{35+10} = \frac{16}{23} \text{ А}$$

$$I_3'' = I_2' \cdot \frac{R_1}{R_1 + R_3} = \frac{72}{23} \cdot \frac{35}{35+10} = \frac{56}{23} \text{ А}$$

в) $E_3=5\text{ В}$, $E_1=E_2=0$ бўлган I_1''' тармоқ тоқлари аниқлаймиз:



$$I_3''' = \frac{E_3}{R_3 + \frac{R_1 \cdot R_2}{R_1 + R_2}} = \frac{5}{115} = \frac{8}{23} \text{ А}$$

$$I_1''' = I_3''' \cdot \frac{R_2}{R_1 + R_2} = \frac{8}{23} \cdot \frac{5}{40} = \frac{1}{23} \text{ А}$$

$$I_2''' = I_3''' \cdot \frac{R_1}{R_1 + R_2} = \frac{6}{23} - \frac{1}{23} = \frac{7}{23} \text{ А}$$


Энди тоқлар йўналиши ва ишорасини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий тармоқ тоқларини аниқлаймиз:

$$I_1 = I_1' + I_1'' + I_1''' = \frac{6}{23} + \frac{16}{23} + \frac{1}{23} = 1 \text{ А}$$

$$I_2 = I_2' + I_2'' + I_2''' = \frac{4}{23} + \frac{72}{23} - \frac{7}{23} = 3 \text{ А}$$

$$I_3 = I_3' + I_3'' + I_3''' = -\frac{2}{23} + \frac{56}{23} - \frac{8}{23} = 2 \text{ А}$$

Масала 1-7. Берилган схема параметрлари: $R_1=5\text{ Ом}$, $R_2=R_3=10\text{ Ом}$, $R_4=5\text{ Ом}$, $R_5=3\text{ Ом}$, э.ю.к лари $E_1=70\text{ В}$, $E_2=5\text{ В}$, $E_3=15\text{ В}$, $E_4=10\text{ В}$ тенг. Контурли ток усулига асосан тармоқ тоқлари аниқлансин.



Ечиш:

Берилган электр ток схемаси 3 та контурдан ташкил топган бўлганлиги учун Кирхгофнинг иккинчи қонунига асосан контур токлари йўналиш бўйинча учта тенглама тузамиз:

$$\left. \begin{aligned} R_{11}I_a - R_{12}I_e - R_{13}I_c &= E_a \\ -R_{21}I_a + R_{22}I_e + R_{23}I_c &= E_e \\ R_{31}I_a - R_{32}I_e - R_{33}I_c &= E_c \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

Контур қаршилиқларини топамиз:

$$R_{11} = R_1 + R_2 + R_4 = 20 \text{ Ом}$$

$$R_{22} = R_2 + R_3 = 20 \text{ Ом}$$

$$R_{33} = R_4 + R_5 = 8 \text{ Ом}$$

Контурлараро қаршилиқларни топамиз:

$$R_{12} = R_{21} = R_2 = 10 \text{ Ом}$$

$$R_{23} = R_{32} = 0$$

$$R_{13} = R_{31} = R_4 = 5 \text{ Ом}$$

Контурга кирувчи э.ю.к ларни қийматини аниқлаймиз:

$$E_a = E_1 - E_4 - E_2 = 70 - 10 - 5 = 55 \text{ В}$$

$$E_e = E_2 + E_3 = 5 + 15 = 20 \text{ В}$$

$$E_c = E_4 = 10 \text{ В}$$

Параметр қийматларини (1) тенгламага асосан детерминант усулига асосан тенглама тузамиз:

$$\Delta = \begin{vmatrix} R_{11} & -R_{12} & -R_{13} \\ -R_{12} & +R_{22} & -R_{23} \\ -R_{13} & -R_{32} & +R_{33} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 20 & -10 & -5 \\ -10 & 20 & -0 \\ -5 & -10 & 8 \end{vmatrix} = 1900 \text{ (Ом)}$$

$$\Delta_a = \begin{vmatrix} E_a & -R_{12} & -R_{13} \\ E_e & +R_{22} & -R_{23} \\ E_c & -R_{32} & +R_{33} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 55 & -10 & -5 \\ 20 & 20 & -0 \\ 10 & -0 & 8 \end{vmatrix} = 11400 \text{ (В)}$$

$$\Delta_e = \begin{vmatrix} R_{11} & E_a & -R_{13} \\ -R_{21} & E_e & -R_{23} \\ -R_{31} & E_c & +R_{33} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 20 & 55 & -5 \\ -10 & 20 & -0 \\ -5 & 10 & 8 \end{vmatrix} = 7600 \text{ (В)}$$

$$\Delta_c = \begin{vmatrix} R_{11} & -R_{12} & E_a \\ -R_{21} & +R_{22} & E_e \\ -R_{31} & -R_{32} & E_c \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 20 & -10 & 55 \\ -10 & 20 & 20 \\ -5 & -0 & 10 \end{vmatrix} = 9500 \text{ (В)}$$

Контур тоқларини аниқлаймиз: $I_a = \frac{\Delta_a}{\Delta} = \frac{11400}{1900} = 6 \text{ А}$


$$I_e = \frac{\Delta_e}{\Delta} = \frac{7600}{1900} = 4 \text{ А}$$

$$I_c = \frac{\Delta_c}{\Delta} = \frac{9500}{1900} = 5 \text{ А}$$

Контур тоқлари орқали тармоқ тоқларини топамиз:

$$I_1 = I_a = 6 \text{ А}; \quad I_2 = I_a - I_e = 6 - 4 = 2 \text{ А}; \quad I_3 = I_2 = 4 \text{ А}; \quad I_4 = I_a - I_c = 1 \text{ А}; \quad I_5 = I_c = 5 \text{ А}$$

Масала 1-8. Электр схема параметрлари: $R_1=R_3=R_5=50 \text{ Ом}$, $R_2=R_4=4 \text{ Ом}$, $E_1=10 \text{ В}$, $E_2=15 \text{ В}$, $E_3=10 \text{ В}$, $E_4=5 \text{ В}$, $E_5=20 \text{ В}$, $J=2 \text{ А}$ тенг. Тугунлараро кучланишлар усулига асосан тармоқ токлари топилиб, қувватлар мувозанат тенгламаси тузилсин.



Ечиш:

1) Тугунлараро кучланишлар усули мураккаб ток занжирини ҳисоблашда фойдаланишда қулай бўлиб, Кирхгоф ва Ом қонунларига асосан тугун потенциал-лари нисбатан тузилган тенгламаларни ечиш билан тармоқ токлари топилади. Бунда ихтиёрий тугун потенциали “нолга” тенглаш билан тенгламалар сонини $(k - 1)$ камайтириш мумкин.

Берилган схемада 4 тугун бўлиб, тўртинчи тугунни “нолга” тенглаймиз. ($\varphi_4=0$) ва Кирхгофнинг биринчи қонунига асосан тугунлар учун тенглама ёзамиз:

$$\left. \begin{array}{l} 1 - \text{тугун } I_4 - J - I_1 = 0 \\ 2 - \text{тугун } I_3 + I_5 - I_4 = 0 \\ 3 - \text{тугун } J - I_2 - I_5 = 0 \end{array} \right\} \quad (1)$$

Ом қонунига асосан тоқлар ифодасини тугун потенциаллари айирмаси орқали ифодалаймиз:

$$\left. \begin{array}{l} \frac{\varphi_1 - \varphi_2 + E_4}{R_4} - J + \frac{\varphi_4 - \varphi_1 + E_1}{R_1} = 0 \\ \frac{\varphi_2 - \varphi_3 + E_5}{R_5} + \frac{\varphi_2 - \varphi_4 + E_3}{R_3} + \frac{-\varphi_1 + \varphi_2 - E_4}{R_4} = 0 \\ J - \frac{\varphi_4 - \varphi_3 + E_2}{R_2} - \frac{\varphi_2 - \varphi_3 + E_5}{R_5} = 0 \end{array} \right\} \quad (2)$$

Потенциал $\varphi_4=0$ эканлигини инобатга олиб тенгламани куйдагича ёзамиз:

$$\left. \begin{array}{l} \varphi_1 \left(\frac{1}{R_1} + \frac{1}{R_4} \right) - \varphi_2 \frac{1}{R_4} = E_1 \frac{1}{R_1} + J + E_4 \frac{1}{R_4} \\ -\varphi_1 \frac{1}{R_4} + \varphi_2 \left(\frac{1}{R_4} + \frac{1}{R_3} + \frac{1}{R_5} \right) - \varphi_3 \frac{1}{R_5} = E_4 \frac{1}{R_5} - E_3 \frac{1}{R_3} - E_5 \frac{1}{R_5} \\ -\varphi_2 \frac{1}{R_5} + \varphi_3 \left(\frac{1}{R_4} + \frac{1}{R_2} \right) = E_2 \frac{1}{R_2} + E_5 \frac{1}{R_5} - J \end{array} \right\} \quad (3)$$

Қаршиликлар параметри $\frac{1}{R} = g$ – ўтказувчанлик параметрларига алмаштириш билан тармоқ ўтказувчанликларини аниқлаймиз:

$$g_1 = g_3 = g_5 = 0,2 \text{ сим}, \quad g_2 = g_4 = 0,25 \text{ сим}$$

Тугунлараро тармоқ ўтказувчанликларни топамиз:

$$\begin{aligned} g_{11} &= g_1 + g_4 = 0,45 \text{ сим}, \\ g_{22} &= g_4 + g_3 + g_5 = 0,65 \text{ сим} \\ g_{33} &= g_5 + g_2 = 0,45 \text{ сим} \end{aligned}$$

Тугунларни боғловчи тармоқлардаги ўтказувчанликларни топамиз:

$$\begin{aligned} g_{12} &= g_{21} = g_4 = 0,25 \text{ сим}, \\ g_{23} &= g_{32} = g_5 = 0,2 \text{ сим} \end{aligned}$$

(3) тенгламанинг ўнг томони ифодаларидан тугун тоқлари қийматини аниқлаймиз:

$$\left. \begin{aligned} 1 - \text{тугун} : I_a &= E_1 g_1 - E_4 g_4 + J = 2,75 \text{ A} \\ 2 - \text{тугун} : I_b &= E_4 g_4 - E_3 g_3 - E_5 g_5 = -4,75 \text{ A} \\ 3 - \text{тугун} : I_c &= E_5 g_5 + E_2 g_2 - J = 5,75 \text{ A} \end{aligned} \right\} \quad (4)$$

(3) тенгламаларга тармоқ ўтказувчанлик қийматларини қўйиб, тугун потенциаллар тенгламасини ёзамиз:

$$\left. \begin{aligned} 0,45\varphi_1 - 0,25\varphi_2 &= 2,75 \\ -0,25\varphi_1 + 0,65\varphi_2 - 0,2\varphi_3 &= -4,75 \\ -0,2\varphi_2 + 0,45\varphi_3 &= 5,75 \end{aligned} \right\} \quad (5)$$

(5) тенгламалар системасини ечиш билан тугун потенциаллари қийматларини топамиз:

$$\varphi_1 = 5,25 \text{ В}, \quad \varphi_2 = 1,6 \text{ В}, \quad \varphi_3 = 12,08 \text{ В}, \quad (6)$$

Ом қонунига асосан тузилган (2) тенгламадан тармоқ тоқларини топамиз:

$$\begin{aligned} I_1 &= (\varphi_0 - \varphi_1 + E_1)g_1 = 0,95 \text{ A} & I_2 &= (\varphi_0 - \varphi_3 + E_2)g_2 = 0,73 \text{ A} \\ I_3 &= (\varphi_2 - \varphi_0 + E_3)g_3 = 1,68 \text{ A} & I_4 &= (\varphi_1 - \varphi_2 + E_4)g_4 = 2,96 \text{ A} \\ I_5 &= (\varphi_2 - \varphi_3 + E_5)g_5 = 1,27 \text{ A} \end{aligned} \quad (7)$$

2) Қувватлар мувозанати тенгламасига асосан:

$$\sum EI + \sum JU = \sum I^2 R$$

Берилган схема учун:

$$E_1 I_1 + E_2 I_2 + E_3 I_3 + E_4 I_4 + E_5 I_5 + J U_{13} = I_1^2 R_1 + I_2^2 R_2 + I_3^2 R_3 + I_4^2 R_4 + I_5^2 R_5 \quad (8)$$

Ток манба J уланган контурдаги U_{13} кучланишни топиш учун 1 ва 3 тугун потенциаларига нисбатан тенглама тузамиз:

$$\varphi_1 - \varphi_3 = U_{13} = -E_4 - E_5 + I_4 R_4 + I_5 R_5 = -5 - 20 + 5 \cdot 1,27 + 4 \cdot 2,95 = -6,84 \text{ В}$$


Барча ток ва кучланиш қийматларини (8) тенглама қўйиш билан қувватлар қийматини аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} &10 \cdot 0,95 + 15 \cdot 0,73 + 10 \cdot 1,68 + 5 \cdot 2,95 + 20 \cdot 1,27 + 2 \cdot (-6,84) = \\ &= (0,95)^2 \cdot 5 + (0,73)^2 \cdot 4 + (1,68)^2 \cdot 5 + (2,95)^2 \cdot 4 + (1,27)^2 \cdot 5 \end{aligned}$$

Демак қувватлар мувозанати:

$$63,8 \text{ Вт} = 63,8 \text{ Вт}$$

Масала 1-9. Кўприк схемада уланган электр ток занжири параметрлари: $R_1=60 \text{ Ом}$, $R_3=80 \text{ Ом}$, $R_4=R_5=120 \text{ Ом}$, $R_2= 80 \text{ Ом}$ бўлиб, $E=30 \text{ В}$ ўзгармас манбага уланган. Учбурчак схемадан эквивалент юлдузча схемага ўтиш билан тармоқ тоқлари ва истемолчиларда сарф бўладиган электр ток қуввати аниқлансин.



Ечиш:

Берилган схемадан bcd учбурчак потенциаларини эквивалент юлдузча схемага ўтиш ифодасидан фойдаланамиз:

$$R_6 = \frac{R_2 \cdot R_4}{R_2 + R_4 + R_5} = \frac{80 \cdot 120}{320} = 30 \text{ Ом}$$

$$R_7 = \frac{R_2 \cdot R_5}{R_2 + R_4 + R_5} = \frac{120 \cdot 120}{320} = 45 \text{ Ом}$$

$$R_8 = \frac{R_4 \cdot R_5}{R_2 + R_4 + R_5} = \frac{80 \cdot 120}{320} = 30 \text{ Ом}$$

Тузилган юлдузча схемадан қаршилиқларни кетма – кет ва параллел қўшиш билан занжир умумий қаршилигини аниқлаймиз:

$$R_{\text{ум}} = R_6 + \frac{(R_3 + R_8)(R_1 + R_7)}{R_3 + R_8 + R_1 + R_7} = 30 + \frac{210 \cdot 105}{315} = 100 \text{ Ом}$$

Умумий тармоқ тоқи: $I = \frac{E}{R_{\text{ум}}} = \frac{30}{100} = 0,3 \text{ А}$

Параллел тармоқ тоқларини аниқлаймиз:

$$I_{17} = I \frac{R_8 + R_3}{R_3 + R_8 + R_1 + R_7} = \frac{210 \cdot 0,3}{315} = 0,2 \text{ А}$$

$$I_{38} = I \frac{R_1 + R_7}{R_3 + R_8 + R_1 + R_7} = \frac{105 \cdot 0,3}{315} = 0,1 \text{ А}$$

Бу ерда $R_1=R_3$ га тенг бўлганлиги учун аниқланган $I_{17}=I_1=0,2 \text{ А}$ ва $I_{38}=I_3=0,1 \text{ А}$ тенг.

Берилган схеманинг қолган тармоқларидан оқадиган тоқларни аниқлаш учун тугун потенциалларига асосан тенглама ёзамиз:

$$U_{ec} = IR_6 + I_1 R_7 = 0,3 \cdot 30 + 0,2 \cdot 45 = 18 \text{ В}$$

$$U_{ed} = IR_8 + I_3 R_8 = 0,3 \cdot 30 + 0,1 \cdot 30 = 12 \text{ В}$$

$$U_{dc} = U_{ec} - U_{ed} = 18 - 12 = 6 \text{ В}$$

Тармоқ тоқлари: $I_2 = \frac{U_{ec}}{R_2} = \frac{18}{120} = 0,15 \text{ А}$, $I_4 = \frac{U_{ed}}{R_4} = \frac{12}{80} = 0,15 \text{ А}$

$$I_5 = \frac{U_{cd}}{R_5} = \frac{6}{120} = 0,05 \text{ А}$$

Масаланинг ечимини текшириб кўрамиз:

а – тугундаги тармоқ тоқлар:

$$I = I_1 + I_3 = 0,2 + 0,1 = 0,3 \text{ А}$$

в – тугунда:


$$I = I_4 + I_2 = 0,15 + 0,15 = 0,3 \text{ А}$$

Занжирда сарф бўладиган қувват:

$$P = UI = I^2 R_{\text{ум}} = 30 \cdot 0,3 = 9 \text{ Вт}$$

Масала 1-10. Берилган электр ток схемасининг параметрлари: $R_1=8 \text{ Ом}$, $R_2=5 \text{ Ом}$, $R_3=4 \text{ Ом}$, $R_4=6 \text{ Ом}$, $R_5=6 \text{ Ом}$, $R_6=7 \text{ Ом}$, э.ю.к лари: $E_6 = 30 \text{ В}$, $E_2 = 30 \text{ В}$, $E_3 = 30 \text{ В}$, $E_4 = 40 \text{ В}$, $E_5 = 50 \text{ В}$. Ток манбаи $J=4 \text{ А}$ ва биринчи тармоқ тоқи $I_1=2 \text{ А}$ бўлиб, контурли ток усулига асосан тармоқ тоқлари, E_{1x} – э.ю.к қиймати ва эквивалент генератор усулига асосан I_2 тармоқ тоқи аниқлансин.

Ечиш:




1. Ток манбасини эквивалент кучланиш манбаи билан алмаштирамиз:

Бунда: $J R_6 = E'_6$; ёки $E'_6 = 4 \cdot 7 = 28 \text{ В}$;

Демак: $E''_6 = E_6 - E'_6 = 30 - 28 = 2 \text{ В}$;

2. Берилган схемани қуйдагича эквивалент схемага келтирамиз.



Контурли ток усулига асосан контур токлари I_a, I_b, I_c йўналишлари бўйича Кирхгофнинг 2 – қонунига асосан тенглама тузамиз:

$$\left. \begin{aligned} R_{11}I_a + R_{12}I_b + R_{13}I_c &= E_a \\ R_{21}I_a + R_{22}I_b + R_{23}I_c &= E_b \\ R_{31}I_a + R_{32}I_b + R_{33}I_c &= E_c \end{aligned} \right\} (1)$$

Энди контурга кирувчи қаршиликларни аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} R_{11} &= R_1 + R_2 + R_3 = 17 \text{ Ом} \\ R_{22} &= R_2 + R_4 + R_5 = 17 \text{ Ом} \\ R_{33} &= R_3 + R_4 + R_6 = 17 \text{ Ом} \end{aligned}$$

Контурларни боғловчи контурлараро қаршиликларни аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} R_{12} &= R_{21} = R_2 = 5 \text{ Ом} \\ R_{31} &= R_{13} = R_3 = 4 \text{ Ом} \\ R_{23} &= R_{32} = R_4 = 6 \text{ Ом} \end{aligned}$$

Контурни ташкил этувчи э.ю.к ларни аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} E_a &= E_{1X} + E_2 - E_3 = (E_{1X} - 17) \text{ В} \\ E_b &= E_2 + E_4 + E_5 = 140 \text{ В} \\ E_c &= E_6'' - E_4 - E_3 = -68 \text{ В} \end{aligned}$$

1 – контур токи: $I_a = I_1 = 2 \text{ А}$

Топилган қийматларни (1) тенгламага қўямиз:

$$\left. \begin{aligned} 2 \cdot 17 - 5 \cdot I_b - 4 \cdot I_c &= E_{1X} - 20 \\ -2 \cdot 5 + 17 \cdot I_b - 6 \cdot I_c &= 140 \\ -2 \cdot 4 - 6I_b + 17 \cdot I_c &= -68 \end{aligned} \right\} (2)$$

Ушбу тенгламадан номаълум контур токлари I_b, I_c ларни аниқлаймиз:

$$\left. \begin{aligned} 17I_b - 6I_c &= 150 \\ -6I_b - 17I_c &= -60 \end{aligned} \right\}$$

Бу тенгламани Крамер усулига асосан ечамиз:

$$\Delta_a = \begin{vmatrix} 17 & -6 \\ -6 & 17 \end{vmatrix} = 289 - 36 = 253$$

$$\Delta_b = \begin{vmatrix} 150 & -6 \\ -60 & 17 \end{vmatrix} = 2550 - 360 = 2190$$

$$\Delta_c = \begin{vmatrix} 17 & 150 \\ -6 & -60 \end{vmatrix} = -1020 + 900 = -120$$

Бундан:

$$I_b = \frac{2190}{253} = 8,65A, \quad I_c = -\frac{120}{253} = -0,475A$$

Энди (2) тенгламадан E_{1x} – эюк қийматини аниқлаймиз

$$E_{1x} = 54 - 5 \cdot 8,65 + 4 \cdot 0,475 = 12,65V$$

Тармоқ тоқларини аниқлаймиз:

$$I_1 = 2A, \quad I_2 = I_a - I_b = 2 - 8,65 = -6,65A$$

$$I_3 = I_a - I_c = 2 + 0,475 = 2,475A$$

$$I_4 = I_b - I_c = 8,65 + 0,475 = 9,125A$$

$$I_5 = I_b = 8,65A$$

$$I_6 = -I_c = 0,475A$$

Қувватлар мувозанат тенграмасини тузамиз:

$$I_1^2 R_1 + I_2^2 R_2 + I_3^2 R_3 + I_4^2 R_4 + I_5^2 R_5 + (I - I_2) R_6 =$$

$$E_1 I_1 + E_2 I_2 + E_3 I_3 + E_4 I_4 + E_5 I_5 + E_6 (I - I_6)$$


Бундан: $13335,86 \approx 13337 \text{ Вт}$

Ҳисоблашдаги хатолик $\gamma = \frac{13337 - 13335,6}{13337} \cdot 100\% = 0,022\%$,

3. Эквивалент генератор усулига асосан I_2 тармоқ тоқини топамиз.

Бунда:
$$I_2 = \frac{U_{ab0}}{R_o + R_2} \quad (3)$$

Эквивалент схемасини чизамиз:



2 – тармоқда узилиш бўлганда электр схема икки тугунли потенциал айирмаси билан ифодаланиб ($\varphi_c - \varphi_d$) тугунлараро потенциаллар айирмаси тенграмасига асосан:

$$U_{cd} = \frac{\sum_{m=1}^n E_n g_n}{\sum_{m=1}^n g_n} = \frac{(E_5 + E_{1X}) \frac{1}{R_1 + R_5} - (E_4 + E_3) \frac{1}{R_3 + R_4} - E_6'' \frac{1}{R_6}}{\frac{1}{R_1 + R_5} + \frac{1}{R_3 + R_4} + \frac{1}{R_6}} =$$

$$= \frac{\frac{62,65}{14} - \frac{70}{10} - 2 \frac{1}{7}}{\frac{1}{14} + \frac{1}{10} + \frac{1}{7}} = -8,95 B$$

Ом қонунига асосан тармоқ тоқларини аниқлаймиз:

$$I_1 = I_5 = \frac{(E_5 + E_{1X}) - U_{cd}}{R_1 + R_5} = (62,65 + 8,95) \cdot \frac{1}{14} = 5,2 A$$

$$I_3 = I_4 = \frac{(E_3 + E_4) + U_{cd}}{10} = \frac{70 - 8,95}{10} = 6,1 A$$

$$I_6 = \frac{E_6'' + U_{cd}}{7} = \frac{2 - 8,95}{7} \approx -1 A$$

Потенциал қийматларини аниқлаймиз:

$$\varphi_a = \varphi_d + E_5 + I_5 R_5 = 0 + 50 - 5,2 \cdot 6 = 19,3 B$$


$$\varphi_b = \varphi_d - E_4 + I_4 R_4 = 0 - 40 + 6,1 \cdot 6 = -3,37 B$$

$$\varphi'_b = \varphi_b + E_2 = -3,37 - 50 = -53,37 B$$

Демак:

$$U_{abo} = \varphi_a - \varphi'_b = 19,3 + 53,37 = 72,67 B$$

Энди (3) тенгламадаги R_0 – ички эквивалент қаршилигини аниқлаймиз. Бунинг учун b,c,d потенциалларни бирлаштирувчи қаришликларни “Учбурчакдан” “Юлдузча”схемага келтириш формуласига асосан эквивалент схемасини чизамиз:



Бунда:

$$R_a = \frac{R_3 R_4}{R_3 + R_4 + R_6} = \frac{24}{17} (Ом)$$

$$R_b = \frac{R_3 R_6}{R_3 + R_4 + R_6} = \frac{28}{17} (Ом)$$


$$R_c = \frac{R_4 R_6}{R_3 + R_4 + R_6} = \frac{42}{17} (Ом)$$

R_c қаршилиқни R_5 билан ва R_1 – қаршилиқни R_b қаршилиқ билан қўшиб иккита параллел уланган схеманинг умумий қаршилигини аниқлаймиз:

$$R_0 = R_{ym} = \frac{(R_c + R_5)(R_b + R_1)}{R_c + R_5 + R_b + R_1} + R_a = 5,95(\text{Ом})$$

Узилган 2 – тармоқга нисбатан, эквивалент схемасини тузамиз ҳамда аниқланган кийматларни (3) тенгламага қўйиш билан I_2 тармоқ токини аниқлаймиз:


$$I_2 = \frac{U_{abo}}{R_0 + R_2} = \frac{72,6}{5,95 + 5} = 6,65 \text{ (A)}$$



1-3. Мустақил ечиш учун масалалар

Масала 1-1. Кетма – кет схемада уланган электр ток занжир параметрлари:


$E_1=20\text{ В}$, $E_2=12\text{ В}$, $R_1=5\text{ Ом}$, $R_2=6\text{ Ом}$, $R_3=9\text{ Ом}$ тенг. Тармоқ токи ва потенциаллари аниқланиб, потенциаллар диаграммаси тузилсин.



Жавоб: $I_e=0,4\text{ А}$, $\varphi_A=0$, $\varphi_б=2,4\text{ В}$, $\varphi_в=-14,4\text{ В}$, $\varphi_z=-18\text{ В}$, $\varphi_a=2\text{ В}$

Масала 1-2. Параллелл схемада бириктирилган ток занжирларининг a ва $б$


тугун потенциалларидаги кучланиш $U_{ab}=60\text{ В}$ бўлиб, кирувчи тармоқ токи $I=1,5\text{ А}$ ва қаршилик $R_2=120\text{ Ом}$ тенг. Тармоқ токлари, R_1 қаршилиги ва эквивалент қаршилиги ҳисоблаб топилсин.



Жавоб: $R_1=60\text{ Ом}$, $R_{эқв}=40\text{ Ом}$, $I_1=1\text{ А}$, $I_2=0,5\text{ А}$,

Масала 1-3. Аралаш схемада бириктирилган электр ток занжири $U=26\text{ В}$


кучланишга уланган бўлиб, қаршилик параметрлари: $R_1=8\text{ Ом}$, $R_2=14\text{ Ом}$, $R_3=4\text{ Ом}$, $R_4=5,16\text{ Ом}$, $R_5=7,5\text{ Ом}$, $R_6=5\text{ Ом}$. Занжирнинг эквивалент қаршилиги ҳамда тармоқ токлари аниқлансин.



Жавоб: $R_{эқв}=10,4\text{ Ом}$, $I=2,5\text{ А}$, $I_1=0,7\text{ А}$, $I_2=0,4\text{ А}$, $I_3=1,4\text{ А}$, $I_5=1\text{ А}$, $I_6=1,5\text{ А}$,


Масала 1-4. Электр ток занжири $U=60\text{ В}$ кучланишга уланганда, $P=300\text{ Вт}$

куват сарфланади. Қаршилик параметрлари $R_2=15\text{ Ом}$, $R_3=5\text{ Ом}$ тенг бўлганда, R_1 қаршилик қиймати ва тармоқ токлари аниқлансин.




Жавоб: $R_1=8,25\text{ Ом}$, $I_1=3,75\text{ А}$, $I_2=1,25\text{ А}$, $I_3=1,25\text{ А}$,

Масала 1-5. Кўприк схемада уланган ток занжирининг қаршилик параметрлари $R_1=10 \text{ Ом}$, $R_2=20 \text{ Ом}$, $R_3=40 \text{ Ом}$, $R_4=30 \text{ Ом}$ бўлиб, $U=210 \text{ В}$ кучланишга уланган. U_{ab} – потенциал кучланиши аниқлансин.




Жавоб: $U_{ab}=20 \text{ В}$

Масала 1-6. Қаршиликлари кўприк схемада уланган ток занжирининг параметрлари: $R_1=10 \text{ Ом}$, $R_2=20 \text{ Ом}$, $R_3=40 \text{ Ом}$, $R_4=30 \text{ Ом}$ кучланиши $U=15,6 \text{ В}$. Қалит уланган ва узилган ҳоллар учун эквивалент қаршилик ва қаршиликлардан оқиб ўтувчи тоқлар қиймати аниқлансин.



Жавоб: а) $R_{\text{экв}}=8 \text{ Ом}$, $I=1,95 \text{ А}$, $I_1=I_2=0,65 \text{ А}$,
 $I_3=I_4=1,3 \text{ А}$,
 в) $R_{\text{экв}}=7,8 \text{ Ом}$, $I=2 \text{ А}$,
 $I_1=0,5 \text{ А}$, $I_2=0,8 \text{ А}$,
 $I_3=1,5 \text{ А}$, $I_4=1,2 \text{ А}$

Масала 1-7. Аралаш схемада уланган электр ток занжири параметрлари: $R_1=50 \text{ Ом}$, $R_2=80 \text{ Ом}$, $R_3=20 \text{ Ом}$, $R_4=30 \text{ Ом}$, $R_5=60 \text{ Ом}$ бўлиб, тўртинчи тармоқдан оқиб ўтувчи тоқ $I_4=0,2 \text{ А}$ га тенг. Тармоқ тоқлари, занжир умумий кучланиши ва сарф бўладиган электр тоқ қуввати аниқлансин.




Жавоб: $U=34,5 \text{ В}$, $P=15,5 \text{ Вт}$

Масала 1-8. 1-7 масалада берилган схема параметрлари қийматлари бўйича $U=50 \text{ В}$ кучланишга уланган. I_4 тармоқ тоқи аниқланиб, сарф бўладиган қувват аниқлансин.


Жавоб: $P=32,5 \text{ Вт}$, $I_4=290 \text{ мА}$

Масала 1-9. Берилган электр тоқ схеманинг қаршилик параметрлари: $R_1=4 \text{ Ом}$, $R_2=6 \text{ Ом}$, $R_3=3 \text{ Ом}$, $R_4=20 \text{ Ом}$, $R_5=8,5 \text{ Ом}$ э.ю.к $E=24 \text{ В}$. Контурли тоқ усули ва эквивалент генератор усулига асосан бешинчи тармоқдан оқиб ўтувчи I_5 тоқ аниқлансин.




Жавоб: $I_5=2 \text{ А}$

Масала 1-10. Берилган электр ток занжирининг қаршилик параметрлари $R_1=R_3=R_6=3 \text{ Ом}$, $R_2=R_4=R_5=1 \text{ Ом}$, э.ю.к лари $E_1=E_2=E_3=48 \text{ В}$. Контурли ток усули ва тугунлараро кучланишлар усулига асосан тармоқ тоқлари аниқлансин.



Жавоб: $I_4=8 \text{ A}$, $I_1=5,33 \text{ A}$, $I_2=8 \text{ A}$, $I_3=13,33 \text{ A}$, $I_5=0$, $I_6=13,33 \text{ A}$,


Масала 1-11. Берилган электр ток схеманинг параметрлари: $E_1=40 \text{ В}$, $E_2=5 \text{ В}$, $E_3=30 \text{ В}$, $R_1=5 \text{ Ом}$, $R_2=1 \text{ Ом}$, $R_3=3 \text{ Ом}$. Иккита тугун орасида потенциаллар кучланиш усули ва устма – устлик усулига асосан тармоқ тоқлари аниқлансин.




Жавоб: $I_1=5 \text{ A}$, $I_2=10 \text{ A}$, $I_3=5 \text{ A}$

Масала 1-12. Берилган схема параметрлари: $R_1=10 \text{ Ом}$, $R_2=20 \text{ Ом}$, $R_3=4 \text{ Ом}$. э.ю.к $E_1=20 \text{ В}$, $E_2=100 \text{ В}$, $E_3=80 \text{ В}$, бўлганда тугунлараро кучланишлар усулига асосан тармоқ тоқлари аниқлансин.

Жавоб: $I_1=-3,4 \text{ A}$, $I_2=2,3 \text{ A}$, $I_3=6,5 \text{ A}$, $I_4=-5,4 \text{ A}$



Масала 1-13. Берилган электр ток занжири параметрлари: $R_1=R_2=R_3=10 \text{ Ом}$, $R_a=25 \text{ Ом}$, $R_b=50 \text{ Ом}$, $R_c=50 \text{ Ом}$, бўлиб, $E_1=E_2=120 \text{ В}$ ўзгармас ток манбага уланган. Калит “К” уланган ҳолат учун тармоқ тоқлари аниқлансин.




Жавоб: $I_a=2,4 \text{ A}$, $I_b=-2,85 \text{ A}$, $I_c=1,65 \text{ A}$

Масала 1-14. 1-13 масалада берилган схема шарти бўйича $I_a=2\text{ A}$, $I_e=-3\text{ A}$, $I_C=2\text{ A}$ (тоқлар йўналиши стрелкада кўрсатишига мос) бўлганда E_1 ва E_2 манба кучланишлари аниқлансин.

Жавоб: $E_1=100\text{ B}$, $E_2=-150\text{ B}$


Масала 1-15. Аралаш схемада уланган ток занжири қаршилик параметрлари:



Тўла ўтказувчанлик: $\underline{y} = \frac{1}{\underline{Z}} = g - j\beta = \underline{y} e^{-j\varphi} \quad \frac{1}{Ом}$

Тўла қувватлар комплекс ифодаси:

$$\tilde{S} = \dot{U} \dot{I}^* = \dot{U} e^{j\varphi u} \cdot I e^{-j\varphi i} = \dot{U} \dot{I} e^{j\varphi} = \dot{U} \dot{I} \cos\varphi + j \dot{U} \dot{I} \sin\varphi = P + jQ \quad BA$$

*

I – комплекс токнинг тескари ишораси билан олинган киймати.

Мураккаб синусоидал ўзгарувчан ток занжирларини ҳисоблашда; (Ом ва Кирхгоф қонунлари билан бир қаторда) Кирхгоф қонунларини тадбиқ этиш, контурли тоқлар усули, тугун кучланишлар, устма – устлик (суперпозиция) усули, мутаносиблик принципи, эквивалент генератор усуллари билан фойдаланилади.

• Истемолчилари кетма-кет уланган оддий электр ток занжирларида ток умумий бўлиб Ом қонунига асосан.

$$\dot{I} = \frac{\dot{U}}{\underline{Z}}; \quad \text{бунда } \underline{z} = \underline{z}_1 + \underline{z}_2 + \dots + \underline{z}_n = \sum_{b=1}^{n=v} \underline{z}_n$$

• Истемолчилари паралелл уланган ток занжирида кучланиш умумий бўлиб:

$$\dot{I} = \dot{U} \underline{y}; \quad \text{бунда } \underline{y} = \underline{y}_1 + \underline{y}_2 + \dots + \underline{y}_n = \sum_{b=1}^{n=v} \underline{y}_n$$

• Аралаш схемада уланган ток занжири учун комплекс қаршилиги

$$\underline{Z}_{12} = \frac{\underline{Z}_1 \cdot \underline{Z}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} \quad \text{бўлиб, тармоқ тоқлари:}$$

$$\dot{I}_1 = \frac{\underline{Z}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} \dot{I}; \quad \dot{I}_2 = \frac{\underline{Z}_1}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} \dot{I}$$

*

I - умумий токнинг комплекс киймати.

- Кирхгоф қонунларининг комплекс ифодаси.

1 қонун:
$$\sum_{k=1}^n \dot{I}_k = 0$$

2 қонун:
$$\sum_{k=1}^n \dot{E}_k = \sum_{k=1}^n Z_k \dot{I}_k$$

3. Мураккаб синусоидал ўзгарувчан ток занжирларини комплекс усулда ҳисоблаш.

а) Кирхгоф қонунларини тадбиқ қилиш.

Мураккаб ток занжирларини Кирхгоф қонунларига асосан ҳисоблашда берилган занжир учун электр мувозанат тенгламаси тузилади. Тузилган тенгламалар сони тармоқ тоқлари сонига тенг бўлиши керак. Агар занжирнинг тармоқлар сони p , тугунлар сони q га тенг бўлса, у ҳолда Кирхгофнинг биринчи қонуни асосан $(p-q+1)$ та тенглама тузилади. Тенгламалар системасини ечиш билан $\dot{I}_1, \dot{I}_2, \dots, \dot{I}_p$ тармоқ тоқлари аниқланади.

б) Контурли ток усули

Контурли ток усули Кирхгофнинг 2 – қонунига асосланган бўлиб, берилган занжирнинг контурлари учун тузилган тенгламалар системасини ечиш билан контур-тоқлари ва булар орқали тармоқ тоқлари топилади.

Умумий ҳолда контур тоқлари тенгламаларининг сони $(p-q+1)$ га тенг бўлади.

q – занжирдаги тугунлар сони

p – тармоқлар сони

Агар занжир n та контур тоқларига эга бўлса, унинг тенгламаси қуйидагича тузилади:

$$\left. \begin{aligned} \dot{I}_{k1} Z_{11} + \dot{I}_{k2} Z_{12} + \dots + \dot{I}_{kn} Z_{1n} &= \dot{E}_{11} \\ \dot{I}_{k1} Z_{12} + \dot{I}_{k2} Z_{22} + \dots + \dot{I}_{kn} Z_{2n} &= \dot{E}_{12} \\ \dot{I}_{k1} Z_{n1} + \dot{I}_{k2} Z_{n2} + \dots + \dot{I}_{kn} Z_{nn} &= \dot{E}_{nn} \end{aligned} \right\}$$

Бунда: Z_{mn} - n – контурнинг хусусий қаршилиги

Z_{qs} – q ва s – ёндаги контурларнинг ўзаро қаршилиги.

Агар ёндаш контур тоқларининг \dot{I}_{kq} ва \dot{I}_{ks} йўналишлар мос бўлса, тармоқнинг қаршилиги тенгламалар системасига (+) ишора, қарама – қарши бўлса (-) ишора киритилади. \dot{E}_{mn} - n -контурнинг хусусий э.ю.к.

в) Тугунлараро кучланишлар усули.

Тугунлараро кучланишлар усуслидан фойдаланиш асосан кўп элементлардан таркиб топган тармоқланган мураккаб ток занжирларини ҳисоблашда анча қулай бўлиб, ихтиёрий электр занжиридаги $q=(n+1)$ тугундан биттасини нисбий кучланиш (потенциали) нолга тенг деб олинади ($\varphi_n = 0$). Қолган барча тугун потенциал тенгламалари шунга нисбатан тузилади.

$$\left. \begin{aligned} \underline{y}_{11} \dot{U}_{10} + \underline{y}_{12} \dot{U}_{20} + \dots + \underline{y}_{1k} \dot{U}_{k0} &= \dot{I}_{11} \\ \underline{y}_{21} \dot{U}_{10} + \underline{y}_{22} \dot{U}_{20} + \dots + \underline{y}_{2k} \dot{U}_{k0} &= \dot{I}_{22} \\ \dots & \\ \underline{y}_{n1} \dot{U}_{10} + \underline{y}_{k2} \dot{U}_{20} + \dots + \underline{y}_{nm} \dot{U}_{k0} &= \dot{I}_{nn} \end{aligned} \right\}$$

Бунда:

$$\left. \begin{aligned} \underline{y}_{nn} &= \sum_{\substack{p=1 \\ p \neq n}}^n \underline{y}_{pn} \\ \dot{I}_{nn} &= \sum_{\substack{p=1 \\ p \neq n}}^n \underline{y}_{pn} \dot{E}_{pn} \end{aligned} \right\}$$

Тенгламалар системасини ечиш билан тугунларнинг комплекс кучланиши:

$$\dot{U}_{10}, \dot{U}_{20}, \dot{U}_{n0} \quad (\varphi_1 - \varphi_0; \varphi_2 - \varphi_0; \varphi_3 - \varphi_0 \dots)$$

ва тугунлар орасида комплекс кучланишлар аниқланилади:

$$\dot{U}_{nm} = \dot{U}_{no} - \dot{U}_{mo}$$

Тармоқ токлари эса бутун занжир учун Ом қонунига асосан

$$\dot{I}_{nm} = \underline{Y}_{nm} (\dot{E}_{nm} + \dot{U}_{nm})$$

Агар электр занжири фақат иккита тугундан иборат бўлса ($q = 2$) тенглама

$$\underline{Y}_{11} \cdot \dot{U}_{10} = \dot{I}_{11}; \quad \dot{U}_{10} = \frac{\dot{I}_{11}}{\underline{Y}_{11}};$$

Яни тугунлараро кучланиш тенгламасига асосан иккита тугун ўртасида кучланиш аниқланиб Ом қонунига асосан тармоқ токлари топилади.

$$\dot{U}_{ab} = \frac{\underline{Y}_1 \dot{E}_1 + \underline{Y}_2 \dot{E}_2 + \underline{Y}_3 \dot{E}_3 + \dots + \underline{Y}_n \dot{E}_n}{\underline{Y}_1 + \underline{Y}_2 + \underline{Y}_3 + \dots + \underline{Y}_n} = \frac{\sum_{p=1}^n \underline{y}_{pn} \dot{E}_n}{\sum_{p=1}^n \underline{y}_{pn}}$$


г) Устма-устлик усул (суперпозиция усули).

Параметрлари чизиқли бўлган электр ток занжирларининг бирор К – тармоғидан оқиб ўтувчи ток шу занжирни ташкил этувчи э.ю.к. ҳосил қиладиган токларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Шу сабабли чизиқли мураккаб электр

ток занжирларини ҳисоблашда, ҳар бир э.ю.к. таъсирида занжир тармоқларидан оқиб ўтадиган тоқлар алоҳида аниқланади (қолган э.ю.к. нолга тенг деб олинаиб, занжирнинг ички қаршиликлари сақланади). Натижада ҳар бир э.ю.к. таъсирида тармоқлардан оқиб ўтувчи тоқларнинг алгебрик йиғиндиси умумий ток қийматиға тенг бўлади.

$$\dot{I} = \dot{I}' + \dot{I}'' + \dots + \dot{I}^n$$

Устма – устлик усули ёрдамида фақатгина занжирнинг ток ва кучланишлари аниқланиб, қувватларни ҳисоблашда эса тавсия этилмайди.



д) Мутаносиблик принципи (Принцип взаимности).

Бу принцип чизиқли ток занжирлари учун Максвелл томонидан таклиф этилган бўлиб, ҳар қандай мураккаб электр ток занжирининг «К» тартибида жойлашган $\dot{E}_k = \dot{E}$ э.ю.к. манба (бошқа манбалар бўлмаган холда), шу занжирларнинг ихтиёрий п тармоғида $\dot{I}_n = \dot{I}$ ток ҳосил қилган бўлса, шу э.ю.к. манбанинг ўзи п тармоқга кўчирланган холда ($\dot{E}_k = \dot{E}$) «К» тармоқдаги токни ҳосил қилади.

Масалан: Контурли ток усулиға асосан k – тармоқ занжирининг q – контуриға, n – тармоғи S – контуриға кирган деб фараз қиламиз. Бу холда контурда контур тоқлари $\dot{I}_k = \dot{I}_q$ ва $\dot{I} = \dot{I}_s$ бўлади ва э.ю.к. қайси тармоқға уланганидан қатъий назар уларнинг қийматлари

$$\dot{I}_k = \dot{I}_q = \dot{E} \frac{\Delta_{qs}}{\Delta} \quad \text{ва} \quad \dot{I}_n = \dot{I}_s = \dot{E} \frac{\Delta_{sq}}{\Delta} \quad \text{га тенг бўлади.}$$

Демак

$$\dot{I}_k = \dot{I}_n = \dot{I}, \text{ чунки } \Delta_{qs} = \Delta_{sq} \text{ бўлиб,}$$

$$\frac{\dot{E}_k}{\dot{I}_n} = \frac{\dot{E}_n}{\dot{I}_k} = \frac{\dot{E}}{\dot{I}} = Z_{-qs}$$

Демак контурлараро қаршилиқ Z_{-qs} тенг бўлиб ушбу усулининг

мутаносиблигини тасдиқлайди.

е) Эквивалент генератор усули.


Бу усул мураккаб электр ток занжирларининг бирор қимсидаги тармоқ тоқини аниқлашда ишлатишда қулай бўлиб, амалда қисқа туташтирув ёки узилиш (салт холат) тажрибалари ўтказилади. Электр энергияси бўлган икки қутубли электр занжири эквивалент манба ва параметр билан алмаштирилади.

Бунда занжир манба кучланиш салт холат кучланишига тенг бўлади.

$\dot{E} = \dot{U}_0 = \dot{U}_{ab}$ ички қаршилик эса эквивалент қаршиликга тенг дейилади

(расм 3-3) $\underline{Z}_o = \underline{Z}$

Ички кутбли актив занжирнинг бирор «К» тармоқдаги R қаршилик токини аниқлаш зарур бўлса, Ом қонунига асосан.




4. Э.Ю.К. манбаларини ток манбаларига алмаштириш.

Амалда э.ю.к. ва ток манбаларини алмаштиришга имкон берувчи, нолдан фарқ қиладиган ички параметрлар $R \neq 0$ ва $g \neq 0$ мавжуд; шу туфайли уларни ўзаро алмаштириш мумкин. Расм. а)

манба кучланиш тенгламаси:

$$\dot{U}_{ab} = E - Z_o \dot{I}$$



Баъзи холарда манба кучланиши параллел схема билан алмаштирилиб ток манбаи кўринишда ҳам ифодаланади. Расм б)

Бунда кучланишлар мувозанат тенгламасини манбанинг қаршилиги Z_0 га бўлинса


$$\frac{\dot{U}_{ab}}{\underline{Z}_0} = \frac{\dot{E}}{\underline{Z}_0} - \dot{I}; \text{ ёки } \dot{I}_0 = \dot{J} - \dot{I}$$

Бунда

$$\dot{J} = \frac{\dot{E}}{\underline{Z}} \text{ ва } \underline{Y}_0 = \frac{1}{\underline{Z}_0}$$

Юлдуз ва учбурча тарзида уланган тармоқларни ўзаро алмаштириш (эквивалент параметрлар)

а) Учбурча шаклида уланган қаршиликларни юлдузча шаклида алмаштириш тенгламалари:



$$\underline{Z}_1 = \frac{\underline{Z}_{31} \cdot \underline{Z}_{12}}{\underline{Z}_{12} + \underline{Z}_{23} + \underline{Z}_{31}}; \quad \underline{Z}_2 = \frac{\underline{Z}_{12} \cdot \underline{Z}_{23}}{\underline{Z}_{12} + \underline{Z}_{23} + \underline{Z}_{31}}; \quad \underline{Z}_{31} = \frac{\underline{Z}_{23} \cdot \underline{Z}_{31}}{\underline{Z}_{12} + \underline{Z}_{23} + \underline{Z}_{31}}$$

б) Юлдузча шаклидан учбурчак шаклига алмаштириш тенгламалари:

$$\underline{Z}_{12} = \underline{Z}_1 + \underline{Z}_2 + \frac{\underline{Z}_1 \cdot \underline{Z}_2}{\underline{Z}_3}; \quad \underline{Z}_{23} = \underline{Z}_2 + \underline{Z}_3 + \frac{\underline{Z}_2 \cdot \underline{Z}_3}{\underline{Z}_1}; \quad \underline{Z}_{31} = \underline{Z}_3 + \underline{Z}_1 + \frac{\underline{Z}_1 \cdot \underline{Z}_3}{\underline{Z}_2}$$

3-2. Масала ечиш

Масала 3-1. Берилган кучланиш ва ток $u = 100 \sin\left(\omega t + \frac{\pi}{6}\right) (B)$

$i = 5 \sin\left(\omega t - \frac{\pi}{6}\right) (A)$ функцияларининг комплекс ифодаси, комплекс тўла қаршилик \underline{Z} тўла ўтказувчанлик \underline{Y} ва тўла қуввати \tilde{S} аниқлансин.

Ечиш:

$$u = 100 \sin(\omega t + 30^\circ) = 100e^{j30^\circ}$$

$$i = 5 \sin(\omega t - 30^\circ) = 5e^{-j30^\circ}$$

Комплекс тўла қаршилик:

$$\underline{Z} = \frac{\dot{U}_m}{\dot{I}_m} = \frac{100e^{j30^\circ}}{5e^{-j30^\circ}} = 20e^{j60^\circ} = 10 + j17,3 \text{ (Ом)}$$

Комплекс тўла ўтказувчанлик: $\underline{Y} = \frac{1}{\underline{Z}} = 0,1 + j0,06 \quad \left(\frac{1}{\text{ОМ}} = \text{сим}\right)$

Комплекс тўла қувват:

$$\tilde{S} = \dot{U} \dot{I} = \dot{U} \cdot \dot{I} e^{j(\varphi_U - \varphi_I)} = 500e^{j60^\circ} = 500 \cos 30^\circ + j500 \sin 30^\circ = 250 + j430 \text{ (ВАР)}$$

Бундай актив қувват: $P = 250 \text{ Вт}$;

Реактив қувват: $Q = 430 \text{ (ВАР)}$.

Масала 3-2. Қаршиликлари $R = 3 \text{ Ом}$, $X = \pm 4 \text{ Ом}$. тенг бўлган электр занжири кучланиш $U = 100 \text{ В}$. Ток ва тўла қувватларнинг комплекс қийматлари ҳисоблаб топилсин.

Ечиш:

Тўла қаршилик комплекс ифодаси: $\underline{Z} = R \pm jx = 3 \pm j4 = 5e^{\pm j53^\circ}$

Ток эса: $\dot{I} = \frac{\dot{U}}{\underline{Z}} = \frac{100e^{j0}}{5e^{\pm j53^\circ}} = 20e^{\pm j53^\circ} = 12 \pm j16$

Тўла қувват комплекс ифодаси:

$$\tilde{S} = \dot{U} \dot{I}^* = 100 \cdot 20e^{\pm j53^\circ} = 2000 \cos 53^\circ \pm j2000 \sin 53^\circ = 1200 \pm j1600$$

Масала 3-3. Кучланиш $\dot{U} = (80 + j60)$ ток $\dot{I} = (24 - j7)$ комплекс ифодалари учун актив ва реактив қаршиликлар қиймалари аниқланиб ток ва кучланиш вектор ифодаси чизилсин.

Ечиш:

Ток ва кучланишнинг кўрсаткичли ифодасини аниқлаймиз

$$\dot{U} = (80 + j60) = 100e^{j36^\circ 50'} \quad (B)$$



$$\dot{I} = (24 - j7) = 25e^{-j16^\circ 15'} \quad (A)$$

Комплекс тўла қаршилик: $\underline{Z} = \frac{\dot{U}}{\dot{I}} = 4e^{j53^\circ} = (2,4 + j3,2) \text{ Ом}$

Бундан актив қаршилик $R = 2,4 \text{ Ом}$; реактив қаршилик $X = 3,2 \text{ Ом}$.

Кучланиш ва ток орасидаги фаза фарқи: $\varphi = \varphi_u - \varphi_i = 53^\circ$

Комплекс тексилекда ток ва кучланишлар вектор диаграммасини тузамиз.



Вектор диаграммадан

$$\dot{U}_a = U \cos \varphi$$

$$\dot{U}_p = U \sin \varphi$$


$$U = \sqrt{U_a^2 + U_p^2}$$

$$\dot{I}_a = I \cos \varphi$$

$$\dot{I}_p = I \sin \varphi$$

$$I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2}$$

Масала 3-4. Берилган электр схеманинг параметрлари $R_1=30 \text{ Ом}$, $X_1=20 \text{ Ом}$, $R_2=50 \text{ Ом}$, $X_2 = -100 \text{ Ом}$, $R_3 = 100 \text{ Ом}$, $X_3 = 50 \text{ Ом}$ тенг. Занжирнинг эквивалент қаршилиги аниқланисин.



Ечиш:

Занжирнинг параллел уланган қисми учун комплекс тўла қаршилик:


$$Z_{-23} = \frac{(R_3 + jx_3)(R_2 - jx_2)}{R_3 + jx_3 + R_2 - jx_2} = \frac{112e^{j26^{\circ}30'} \cdot 112e^{-j63^{\circ}}}{150 - j50} = \frac{12550e^{-j37^{\circ}}}{158e^{j18^{\circ}26'}} = 79,5e^{j18^{\circ}34'} = 75,2 - j25,3$$

Энди умумий комплекс эквивалент қаршиликни топиш учун тўла комплекс қаршиликларни қўшамиз: $Z = R_1 + jx_1 + Z_{-23} = 30 + j20 + 75,2 - j25,3 = 105,5 - j5,3$

Бундан актив қаршилик $R = 105,5$ Ом, реактив қаршилик эса $X_a = -5,3$ Ом тенг бўлиб сиғим параметрига мос келади.

Масала 3-5. Қаршиликлари $R_1 = 10$ Ом, $X_1 = 50$ Ом бўлган индуктив ғалтак, актив қаршилиги $R_2 = 10$ Ом ва сиғим қаршилиги $X_2 = -30$ Ом билан кетма-кет схемага бириктирилиб ва $U = 127$ В кучланишга уланган. Занжирдан оқиб ўтадиган ток, ғалтакдаги кучланиш ва сиғим кучланишлари аниқлансин.

Ечиш: Қаршиликларнинг комплекс ифодасини ёзамиз:



$$Z_1 = 10 + j50 = 51e^{j78^{\circ}40'}$$

$$Z_2 = 10 - j30 = 30e^{-j88^{\circ}}$$

Умумий комплекс қаршилик: $Z = Z_1 + Z_2 = 11 + j20 = 22,8e^{j61^{\circ}}$ Ом

$$\text{Комплекс ток: } \dot{I} = \frac{\dot{U}}{Z} = \frac{127}{22,8e^{j61^{\circ}}} = 5,56e^{-j61^{\circ}}$$

Ғалтакдаги кучланиш: $\dot{U}_1 = Z_1 \dot{I} = 284e^{j17^{\circ}30'}$ ёки $\varphi_1 = 17^{\circ}30'$

Схемадаги кучланиш: $\dot{U}_2 = Z_2 \dot{I} = 30e^{-j88^{\circ}} \cdot 5,56e^{-j61^{\circ}} = 167e^{-j149^{\circ}}$; $\varphi_2 = -149^{\circ}$

Кучланишлар орасида фаза фарқи: $\varphi = \varphi_1 - \varphi_2 = 166^{\circ}30'$

Масала 3-6. 2 – Бобда берилган. 2-16 масалани шартига асосан комплекс усулдан фойдаланиб тармоқ тоқлари аниқлансин.


Ечиш: Комплекс тўла қаршиликлари:

$$Z_1 = (2 + j26) \text{ Ом}$$

$$Z_2 = (10 + j10) \text{ Ом}$$

$$Z_3 = -j10 \text{ Ом}$$

Занжирнинг қаршиликлари параллел уланган қисми учун:



$$\underline{Z}_{23} = \frac{\underline{Z}_2 \underline{Z}_3}{\underline{Z}_2 + \underline{Z}_3} = (10 - j10) \text{ Ом}$$

Занжирнинг умумий комплекс қаршилиги

$$\underline{Z} = \underline{Z}_1 + \underline{Z}_{23} = (2 + j26) + (10 + j10) = (12 + j16) \text{ Ом}$$

Актив қувват формуласидан $P = I_2 R$, занжирга оқиб кирувчи ток:

$$I_1 = \sqrt{\frac{P}{R_1}} = \sqrt{\frac{1200}{12}} = 10 \text{ А}, \quad \text{яни} \quad I_1 = 10 \text{ А} \text{ тенг ва хакикий қийматга эга.}$$

Занжирнинг умумий кучланиш эса: $\dot{U} = I_1 \underline{Z} = (12 + j16) \cdot 10 = (120 + j160) \text{ В}$

Бундан: $U = \sqrt{120^2 + 160^2} = 200 \text{ В}$

Параметрлари кетма – кет уланган қисмидаги кучланиш:

$$\dot{U}_1 = \underline{Z}_1 \dot{I}_1 = (2 + j26) \cdot 10 = (20 + j260)$$

ёки: $U_1 = \sqrt{20^2 + 260^2} = 261 \text{ В}$

Параллел схемада уланган қисмидаги кучланиш:

$$\dot{U}_{23} = \dot{I} \underline{Z}_{23} = (10 + j10) \cdot 10 = (100 + j100) \text{ В}$$

ёки: $U_{23} = \sqrt{100^2 + 100^2} = 200 \text{ В}$

Тармоқ токлари:

$$\dot{I}_2 = \frac{\dot{U}_{23}}{\underline{Z}_1} = \frac{100e^{-j45^\circ}}{10e^{j45^\circ}} = 10e^{-j90^\circ} = (-j10) \text{ А}$$


ёки: $I_2 = 10 \text{ А}$.

$$\dot{I}_3 = \frac{\dot{U}_{23}}{\underline{Z}_3} = \frac{100e^{-j45^\circ}}{10e^{-j90^\circ}} = 10e^{-j45^\circ} = (10 + j10) \text{ А}$$

ёки: $I_3 = \sqrt{10^2 + 10^2} = 14,1 \text{ А}$.

Масалани ечимини текшираимиз: $\dot{I}_1 = \dot{I}_2 + \dot{I}_3 = -j10 + 10 + j10 = 10 \text{ А}$

Масала 3-7. Комплекс қаршиликлари $\underline{Z}_0 = (3 + j4)$; $\underline{Z}_1 = (44 + j74)$ $\underline{Z}_2 = -j80$ бўлган электр ток занжири кетма – кет схемада иккита генераторга уланган бўлиб, ток қиймати ва вольтметрнинг кучланиш аниқлансин.



Ечиш:

Занжир токи:

$$\dot{I} = \frac{\dot{E}_1 + \dot{E}_2}{2\underline{Z}_0 + \underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = \frac{220 + j220}{(6 + j8) + (44 + j74) + (-j80)} = \frac{220e^{j45^\circ}}{50 + j2} \approx 4,4e^{j45^\circ} = (4,4 + j4,4)$$


ёки: $I = \sqrt{4,4^2 + 4,4^2} \approx 6 \text{ А}$

Вольтметр кучланиши:

$$\dot{U}_{ab} = \frac{\dot{E}_1 + \dot{E}_2(\underline{Z}_0 + \underline{Z}_1)}{2\underline{Z}_0 + \underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = \frac{220 + j220[(3 + j4) + (44 + j74)]}{50 + j2} = 335 - j547$$

Бундан: $U_{ab} = \sqrt{335^2 - 547^2} = 642 \text{ В}$

Масала 3-8. Электр занжири параметрлари: $R_1=R_2=25 \text{ Ом}$, $X_L=33,3 \text{ Ом}$, $X_C = -33,3 \text{ Ом}$ бўлиб $U = 320 \text{ В}$ кучланиш уланган. Тўла қаршилик \underline{Z} . бурчак $\cos\varphi$ ва тоқлари аниқлансин.



Ечиш: Паралелл уланган биринчи контур комплекс тўла қаршилиги: :

$$\underline{Z}_1 = \frac{33,3e^{j90^\circ} \cdot 25}{25 + j33,3} = \frac{830e^{j90^\circ}}{41,5e^{j53^\circ}} = 20e^{j37^\circ} = 16 + j12 \text{ Ом}$$

Иккинчи контур тўла қаршилиги:

$$\underline{Z}_2 = \frac{33,3e^{-j90^\circ} \cdot 25}{25 - j33,3} = \frac{830e^{-j90^\circ}}{41,5e^{-j53^\circ}} = 20e^{-j37^\circ} = 16 - j12 \text{ Ом}$$

Тўла комплекс қаршилик: $\underline{Z} = \underline{Z}_1 + \underline{Z}_2 = 16 + j12 + 16 - j12 = 32 \text{ Ом}$

Умумий ток: $\dot{I} = \frac{\dot{U}}{\underline{Z}} = \frac{320}{32} = 10 \text{ А}$

Тўла қувват: $\tilde{S} = \dot{U} \dot{I} = 320 \cdot 10 = 3200 \text{ ВА}$

Актив қувват: $P = RI^2 = 32 \cdot 10^2 = 3200 \text{ Вт}$

Демак занжирнинг қувват коэффициентини: $\cos\varphi = \frac{P}{S} = 1$ - бўлиб актив

қаршилик характерга эга.

Биринчи ва иккинчи контур кучланишлари:

$$\dot{U}_1 = \dot{I} \underline{Z}_1 = 10 \cdot 20e^{j37^\circ} = 200e^{j37^\circ} \text{ (В)}$$

$$\dot{U}_2 = \dot{I} \underline{Z}_2 = 10 \cdot 20e^{-j37^\circ} = 200e^{-j37^\circ} \text{ (В)}$$


Тоқларни аниқлаймиз: $\dot{I}_1 = \frac{\dot{U}_1}{R_1} = \frac{200e^{j37^\circ}}{25} = 8e^{j37^\circ} \text{ А}$

$$\dot{I}_L = \frac{\dot{U}_L}{X_L} = \frac{200e^{j37^\circ}}{33,3e^{j90^\circ}} = 6e^{-j53^\circ} \text{ А}$$


Иккинчи контур тоқларини аниқлаймиз: $\dot{I}_2 = \frac{\dot{U}_2}{R_2} = \frac{200e^{-j37^\circ}}{25} = 8e^{-j37^\circ} \text{ А}$

$$\dot{I}_C = \frac{\dot{U}_C}{X_C} = \frac{200e^{-j37^\circ}}{33,3e^{-j90^\circ}} = 6e^{j53^\circ} \text{ A}$$

Комплекс текисликда ток ва кучланиш вектор ифодасини тузамиз:



Масала 3-9. Берилган электр занжири параметрлари: $R_1=50 \text{ Ом}$, $X_2=-25 \text{ Ом}$, $R_2=25 \text{ Ом}$, $X_3=10 \text{ Ом}$, $R_4=2,5 \text{ Ом}$, $X_4=-5 \text{ Ом}$, $R_5=1 \text{ Ом}$, $X_5=-2 \text{ Ом}$, $R_6=1 \text{ Ом}$, $X_6=2 \text{ Ом}$ бўлиб, $U=100 \text{ В}$ кучланишга уланган.



Занжир тармоқларидан оқадиган \dot{I}_1, \dot{I}_3 ва \dot{I}_4 комплекс ток қийматлари аниқлансин.

Ечиш:

Тармоқ комплекс қаршиликларини аниқлаймиз:

$$\underline{Z}_6 = R_6 + jX_6 = 1 + j2 = e^{j63^\circ}$$

$$\underline{Z}_5 = R_5 - jX_5 = 1 - j2 = e^{-j63^\circ}$$

Параллел уланган тармоқлар комплекс қаршилиги:

$$\underline{Z}_{56} = \frac{\underline{Z}_6 \cdot \underline{Z}_5}{\underline{Z}_6 + \underline{Z}_5} = 2,5 \text{ Ом}$$

Тўртинчи тармоқ комплекс қаршилиги:

$$\underline{Z}_4 = R_4 - jX_4 + \underline{Z}_{56} = 2,5 - j5 + 2,5 = 5 - j5 = 7,1e^{-j45^\circ}$$

Учинчи тармоқ комплекс қаршилиги:

$$\underline{Z}_3 = \frac{\underline{Z}_4 \cdot X_3}{\underline{Z}_4 + jX_3} = \frac{7,1e^{-j45^\circ} \cdot 10e^{j90^\circ}}{5 - j5 + j10} = 10 \text{ Ом}$$

Параллел уланган биринчи контур комплекс қаршилиги:

$$\underline{Z}_{12} = \frac{R_1(R_2 - jX_2)}{R_1 + R_2 - jX_2} = 20,6 - j10,3 = 23e^{-j26^\circ 30'}$$

Занжирнинг комплекс тўла қаршилиги:

$$\underline{Z} = \underline{Z}_{12} + \underline{Z}_3 = 20,6 + j10,3 + 10 = 30,6 - j10,3 = 32,4e^{-j12^\circ}$$

Занжирга оқиб кирувчи ток қиймати:

$$\dot{I} = \frac{\dot{U}}{\underline{Z}} = \frac{100}{32,4e^{-j12^{\circ}}} = 3,1e^{j12^{\circ}} = 3 + j \text{ A}$$

Тармоқдаги кучланишларини топамиз:

$$\dot{U}_1 = \dot{I} R_{12} = 3,1e^{j12^{\circ}} \cdot 23e^{-j26^{\circ}30'} = 71,5e^{-j14^{\circ}30'} = 70,5 - j10,5$$


$$\dot{U}_3 = \dot{U} - \dot{U}_{R1} = 100 - 70,5 + j10,5 = 29,5 + j10,5 = 31,5e^{j19^{\circ}30'}$$

Бундан тармоқ токлари:

$$\dot{I}_3 = \frac{\dot{U}_3}{jX_3} = \frac{31,5e^{j19^{\circ}30'}}{10e^{j90^{\circ}}} = 3,15e^{-j70^{\circ}30'} = -j3 + 1 \text{ A}$$

$$\dot{I}_4 = \dot{I} - \dot{I}_3 = 3 + j - 1 + j3 = 2 + j4 \text{ A}$$

Масала 3-10. Икки контурли электр ток занжирига ички қаршиликлари $Z_1=Z_2=1+j2$ Ом; э.ю.к. $E_1 = 120$ В, $E_2 = 115$ В тенг. Иккита генератор ўртасига қаршилиги. $R_3 = 10$ Ом бўлган истеъмолчи уланган. Тармоқ токи, кучланишлари ҳар хил усуллар ёрдамида ҳисоблансин.



Ечиш:

1. Контурли ток усули.

Берилган занжир иккита контурдан ташкил топган бўлиб, тармоқ ва контур токлар йўналиши шартли равишда белгилаб оламиз. э.ю.к. ларнинг йўналишини ҳисобга олган ҳолда \dot{I}_a, \dot{I}_b контурлар учун иккита тенглама тузамиз.

$$\dot{I}_a (\underline{Z}_1 + \underline{Z}_3) - \dot{I}_b \underline{Z}_3 = \dot{E}_1$$

$$\dot{I}_b (\underline{Z}_2 + \underline{Z}_3) - \dot{I}_a \underline{Z}_3 = \dot{E}_2$$

Тенгламалар системасини ечиш билан контур токлари топилади:

$$\dot{I}_a (11 + j2) - \dot{I}_b 10 = 120 \quad | \quad 10$$

$$\dot{I}_b (11 + j2) - \dot{I}_a 10 = -115 \quad | \quad (11 + j2)$$

$$\dot{I}_b (11 + j2)(11 + j2) - 100 \dot{I}_a = 1200 - 115(11 + j2)$$

Бундан: $\dot{I}_b = (-5,04 - j0,47) \text{ A}$

Биринчи тенгламадан: $\dot{I}_a = \frac{120 + \dot{I}_b 10}{11 + j2} = (6,05 - j1,53) \text{ A}$

Биринчи генератор токи контур токига тенг:

$$\dot{I}_1 = \dot{I}_2 = (6,05 - j1,53) \text{ A} \quad \text{ёки} \quad I_1 = \sqrt{(6,05)^2 + (-1,53)^2} = 6,24 \text{ A}$$

Иккинчи генератор токи:

$$\dot{I}_2 = \dot{I}_e = (-5,04 - j0,47) \text{ A} \quad \text{ёки} \quad \dot{I}_2 = \sqrt{(-5,04)^2 + (-0,47)^2} = 5,28 \text{ A}$$

Истеъмолчи токи: $\dot{I}_3 = \dot{I}_a - \dot{I}_e = \dot{I}_1 - \dot{I}_2 = (6,05 - j1,53) - (-5,04 - j0,47) = (11,09 - j1,06) \text{ A}$

$$\text{ёки:} \quad I_3 = \sqrt{(11,09)^2 + (1,06)^2} = 11,14 \text{ A}$$

Истеъмолчи ва генераторлардаги кучланиш:


$$\text{ёки:} \quad \dot{U}_3 = \dot{I}_3 R_3 = (11,09 - j1,06) \cdot 10 = (110,9 - j10,6) \text{ B}$$

$$U_3 = \sqrt{(110,9)^2 + (-10,6)^2} = 111,4 \text{ B}$$

2. ЭКВИВАЛЕНТ ГЕНЕРАТОР УСУЛИ.

Занжирнинг истеъмолчи уланган тармоғи узилган бўлсин.

$$\text{Бунда:} \quad \dot{U}_0 = \dot{E}_1 - \dot{I}_0 \underline{Z}_1 = \dot{E}_1 - \frac{\dot{E}_1 - \dot{E}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = 120 - \frac{120 - 115}{2(1 + j2)} (1 + j2) = 117,5 \text{ B}$$



Узилган ҳолатда занжирнинг ички

қаршилиги $(\dot{E}_1 = 0, \dot{E}_2 = 0)$ яъни

эквивалент генератор қаршилиги:

$$\underline{Z}_3 = \frac{\underline{Z}_1 \underline{Z}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = (0,5 + j1) \text{ Ом}.$$

$$\text{Истеъмолчидан оқадиган ток:} \quad \dot{I}_3 = \frac{\dot{U}_0}{R_3 + \underline{Z}_3} = \frac{117,5}{10 + (0,5 + j1)} = (11,09 - j1,06) \text{ A}$$


$$I_3 = 11,14 \text{ A}$$

$$\text{Истеъмолчи кучланиш:} \quad \dot{U}_3 = \dot{I}_3 R_3 = (110,9 - j10,6) \text{ B};$$

$$\text{ёки:} \quad U = \sqrt{(110,9)^2 + (10,6)^2} = 111,4 \text{ B}$$

3. ТУГУН КУЧЛАНИШЛАР УСУЛИ

Занжирнинг *a* ва *b* тугун потенциалларида кучланиш:



$$\dot{U}_{ab} = \frac{\dot{E}_1 \underline{Y}_1 + \dot{E}_2 \underline{Y}_2}{\underline{Y}_1 + \underline{Y}_2 + \underline{Y}_3} = \frac{5}{2,1 + j0,2} = (2,36 - j0,225) \text{ B}$$

$$U_{ab} = \sqrt{(2,36)^2 + (-0,225)^2} = 2,37 \text{ B}$$

$$\text{Биринчи } \dot{E}_1 \text{ генератор токи:} \quad \dot{I}_1 = \frac{\dot{E}_1 - \dot{U}_{ab}}{\underline{Z}_1} = \frac{120 - (2,36 + j0,225)}{1 + j2} = (23,6 - j47) \text{ A}$$

$$\text{ёки:} \quad I_1 = \sqrt{(23,6)^2 + (-47)^2} = 52,6 \text{ A}$$

Иккинчи E_2 генератордан оқиб ўтувчи ток:

$$\dot{I}_2 = \frac{-\dot{E}_2 - \dot{U}_{ab}}{\underline{Z}_2} = (23,41 - j47) \quad \text{ёки} \quad I_2 = \sqrt{(23,41)^2 + (-47)^2} = 52,5 \text{ A}$$

Истеъмолчи токи: $\dot{I}_3 = \frac{\dot{U}_{ab}}{\underline{Z}_3} = \frac{2,36 - j2,25}{10} = (0,24 - j0,023) \text{ A}$

Бундан: $I_3 \approx 0,24 \text{ A}$

3-3. Мустақил ечиш учун масалалар:

Масала 3-1. Ток ва кучланишларнинг комплекс ифодалари:

1. $\dot{U} = 100 \text{ (В)}$ $\dot{I} = (16 + j12) \text{ A}$

2. $\dot{U} = 60 + j80 \text{ (В)}$ $\dot{I} = 20 \text{ A}$

3. $\dot{U} = 60 + j80 \text{ (В)}$ $\dot{I} = j20 \text{ A}$

4. $\dot{U} = 100e^{j\frac{\pi}{3}} \text{ (В)}$ $\dot{I} = 20e^{j\frac{\pi}{6}} \text{ A}$

бўлган қийматлари учун комплекс тўла қаршилик, актив ва реактив ташкил этувчи параметрлар аниқлансин.

Масала 3-2. Ток ва кучланишларнинг ҳақиқий (эффektiv) комплекс ифодалари $\dot{I} = (5 + j5)$ ва $\dot{U} = (20 + j20)$ бўлганда ток ва кучланишлар оний қиймат ифодаси ва тўла қаршилиги аниқлансин.

Жавоб: $\underline{Z} = -j4 \text{ (Ом)}$

Масала 3-3. Ток ва кучланишлар комплекс ифодалари:

1. $\dot{U} = 100e^{j\frac{\pi}{6}} \text{ (В)}$ $\dot{I} = 10e^{j\frac{\pi}{6}} \text{ A}$

2. $\dot{U} = 10^5 e^{-j\frac{\pi}{3}} \text{ (В)}$ $\dot{I} = 50e^{j\frac{\pi}{6}} \text{ A}$

бўлганда, актив қувват, тўла қаршилик ва тўла ўтқазувчанлик комплекс ифодаси аниқлансин.

Жавоб: 1) $P = 1 \text{ кВт}$, 2) $P = 0$


Масала 3-4. Индуктив ғалтак $\dot{U} = 100 \text{ (В)}$ кучланишга уланган бўлиб, қаршиликлари $R=3 \text{ Ом}$, $X=\pm 4 \text{ Ом}$. Ток ва тўла қувват комплекс ифодалари аниқлансин.

Жавоб: $\tilde{S} = \dot{U} \dot{I} = (1200 \pm j1600) \text{ ВА}$

Масала 3-5. Қаршилик параметрлари $R=20 \text{ Ом}$, $X_L=10 \text{ Ом}$ бўлган индуктив ғалтак частотаси $f=50 \text{ Гц}$ бўлган $U=100\sin(\omega t + 45^\circ) \text{ (В)}$ кучланиш уланган. Частота икки мартагача кўпайган ҳолат учун комплекс тўла қаршилиги, ток ва тўла қуввати аниқлансин.

Жавоб: $\dot{I} = 2,5 \text{ A}$, $\tilde{S} = 177 \text{ ВА}$


Масала 3-6. Паралелл схемада уланган учта истеъмолчи параметрлари:



$R_1=5 \text{ Ом}, X_1=2 \text{ Ом}, R_2=2,5 \text{ Ом}, X_2=5 \text{ Ом}, R_3=1,25 \text{ Ом}, X_3=-2,5 \text{ Ом}$ тенг. Эквивалент комплекс ўтказувчанлик параметрлари ва умумий занжир учун бурчак $\cos\varphi$ аниқлансин.

Жавоб: $y = 0,425 \left(\frac{1}{\text{Ом}}\right); \cos\varphi=0,995$


Масала 3-7. Электр занжир параметрлари: $R_1=3 \text{ Ом}, X_1=20 \text{ Ом}, R_2=50 \text{ Ом}, X_2 =-100 \text{ Ом}, R_3 = 100 \text{ Ом}, X_3 =50 \text{ Ом}$



тенг. Занжирнинг эквивалент актив ва реактив қаршилик қийматлари аниқлансин.

Жавоб: $R=105,5 \text{ (Ом)}, X=-5,3 \text{ (Ом)}$.

Масала 3-8. Берилган электр ток занжирнинг тормоқ тоқлари $I=1,6 \text{ А}, I_1=8,93 \text{ А}, I_2=10 \text{ А}$ ва қаршилик $R_2=2 \text{ Ом}$



бўлганда, P_1 актив қувват, $\cos\varphi$ - қувват коэффициентлари ва R_1, X_1 - қаршилик параметрлари аниқлансин.

Жавоб: $P_1=800 \text{ Вт}, \cos\varphi= 0,446, R_1=10 \text{ Ом}, X_1=\pm 20 \text{ Ом}$.

Масала 3-9 .Электр занжирнинг тоқи $I=10 \text{ А}$, кучланиш $U=130 \text{ В}$ истемол қиладиган актив қуввати $P=500 \text{ Вт}$ бўлиб, $\varphi>0$ ва $\varphi<0$ бўлган ҳолатларда тўла қаршилик ва ўтказувчанлик комплекс ифодаси ёзилсин.

Жавоб: $Z=(5\pm j12) \text{ Ом}; Y=(2,96\pm j7,1)10^{-2} \frac{1}{\text{Ом}}$

3-4. Синов саволлари:

1. Комплекс сон математик ифодасини ёзинг. Эйлер формуласига изох беринг?
2. Комплекс сонлар билан кушиш, айриш, кўпайтириш ва булиш математик амаллари бажарилганда қандай қурилишларда ёзилади?
3. Синусоидал ўзгарувчан ток занжирларини комплекс (символик) усулларда ҳисоблашда қандай афзалликлари бор?
4. Нима учун комплекс ифода $\pm j$ ёки $e^{\pm j\phi}$ га бурилиш бурчаги дейилади?
5. Синусоидал ўзгарувчан (ток, кучланиш, ЭЮК) функцияларини комплекс сон кўринишида ифодаланишини исботланг.
6. Синусоидал ўзгарувчан ток, кучланиш ва Э. Ю. К. лар комплекс ифодасини ёзинг.
7. Комплекс сонларни дифференциаллаш ва интеграллаш қандай бажарилади?
8. Ом ва Кирхгоф қонунлари комплекс усулда қандай ифодаланади?
9. Актив, реактив ва тўла қаршилиқ комплекс ифодасини ёзинг.
10. Актив, реактив ва тўла ўтказувчанлик комплекс ифодасини ёзинг.
11. Актив, реактив ва тўла қувват тенгламаларининг комплекс ифодасини ёзинг.
12. $U=220\sin(\omega t + 45)$, ва $i=10\sqrt{2}\sin(\omega t+90)$ ток ва кучланиш функциялари комплекс усулда қандай ифодаланади?
13. Кучланиш $\dot{U}=100e^{j120}$ В, ток $\dot{I}=j10A$ бўлганда, комплекс тўла қаршилиқ ва тўла ўтказувчанлик қийматларини аниқланг
14. Тўла қаршилиқлари: $Z_1=5+j11$ Ом, $Z_2 = 4-j2$ Ом га тенг кетма – кет уланган ток занжири схемаси тузилиб умумий тўла қаршилиги аниқлансин.
15. Комплекс ифодалари: $\dot{U} = 60e^{j90}$, $\dot{I} = 5e^{j30}$ бўлганда комплекс тўла қувват ифодаси ва актив, реактив қувватлар қийматлари қандай аниқланади?
16. Паралел схемада бириктирилган истемолчилар комплекс қаршилиқлари $Z_1=10e^{j60}$ Ом, $Z_2= 5^{-j30}$ Ом бўлганда комплекс эквивалент қаршилиқ канчага тенг?
17. $\dot{U}= -220+j220$ В, $\dot{I} =15 -j5$ А комплекс ифодаларининг оний синусоидал ўзгарувчан қийматларини ёзинг.
18. $\dot{I} = -5e^{j90}$ А, $\dot{U}=j 141 e^{j90}$ В бўлган комплекс ифодаларнинг оний синусоидал ўзгарувчан тенгламасини ёзинг.

4-Боб. Ўзаро индуктив боғланган ўзгарувчан электр ток занжирлари.

4-1. Асосий назарий тушунчалар.

Электромагнит индукция қонунига асосан индуктив ғалтакда, ток i , магнит оқими Φ , ёки индуктив параметр L ўзгарувчан бўлса ўзиндукция э.ю.к хосил бўлади.

$$\ell_L = \frac{d\psi}{dt} = -W \frac{d\phi}{dt} = -L \frac{di}{dt}$$

Агарда иккита индуктив элементларнинг биридан оқиб ўтувчи ток иккинчи индуктивликда э.ю.к хосил қилса, бундай электр ток занжири индуктив боғланган дейилади (трансформатор).



Бунда индуктивликда хосил бўладиган магнит оқими:

$$\left. \begin{aligned} \Phi_1 &= \Phi_{11} + \Phi_{12} \\ \Phi_2 &= \Phi_{22} + \Phi_{21} \end{aligned} \right\} \text{ёки} \quad \left. \begin{aligned} \Phi_{1\text{умумий}} &= \Phi_1 \pm \Phi_{21} \\ \Phi_{2\text{умумий}} &= \Phi_2 \pm \Phi_{12} \end{aligned} \right\}$$

Чўлғамга илашган магнит оқим:

$$\begin{aligned} \Psi_1 &= W_1(\Phi_1 \pm \Phi_{21}) = \Psi_1 \pm \Psi_{21} \\ \Psi_2 &= W_2(\Phi_2 \pm \Phi_{12}) = \Psi_2 \pm \Psi_{12} \end{aligned}$$

Индуктивликларда хосил бўладиган ўзаро индукцияланувчи э.ю.к:

$$\begin{aligned} \ell_1 &= -\frac{d\Psi_1}{dt} = -\frac{d(\Psi_1 \pm \Psi_{21})}{dt} = -\frac{d\Psi_1}{dt} \pm \frac{d\Psi_{21}}{dt} = -L_1 \frac{di_1}{dt} \pm M_{21} \frac{di_2}{dt} = \ell_{1L} + \ell_{1M} \\ \ell_2 &= -\frac{d\Psi_2}{dt} = -\frac{d(\Psi_2 \pm \Psi_{12})}{dt} = -\frac{d\Psi_2}{dt} \pm \frac{d\Psi_{12}}{dt} = -L_2 \frac{di_2}{dt} \pm M_{12} \frac{di_1}{dt} = \ell_{2L} + \ell_{2M} \end{aligned}$$

$M_{12} = M_{21} = M$ -ўзаро индуктивлик коэффициенти дейилади ва Гн ўлчанади.
 M – коэффициенти индуктив ғалтакнинг ўрамлар сонига, ўзаро жойлашишига ва магнит тавсифига ҳам боғлиқ бўлади.


1. Кетма-кет схемада уланган индуктив ғалтак

Бу холда комплекс тўла қаршилик:

$$\underline{z} = \underline{z}_1 + \underline{z}_2 + 2\underline{z}_M = (R_1 + j\omega L_1) + (R_2 + j\omega L_2) \mp 2j\omega M$$

ёки $\underline{z}_M = \pm 2j\omega M$ -ўзаро индукция комплекс қаршилиги.

“Плюс” ишора иккита индуктивлик кетма-кет, минус “ишора” эса қарама-қарши уланишга мос бўлади.



Эквивалент индуктивликлар ўзаро уланиш схемасига асосан:

$$L_{\text{мос}} = L_1 + L_2 + 2M$$

$$L_{\text{қарама-қарши}} = L_1 + L_2 - 2M$$


Индуктивликлардаги кучланишлар:

$$\dot{U}_1 = \dot{I}_1 (\underline{z}_1 \pm j\omega M)$$

$$\dot{U}_2 = \dot{I}_2 (\underline{z}_2 \pm j\omega M)$$

2. Паралелл схемада уланиш

Паралелл схемада бириктирилган индуктив боғланган ток занжирини ҳисоблашда Кирхгофнинг 2-қонунига асосан ҳар-бир тармоқ учун тузилган комплекс тенгламалар системасини ечиш билан тармоқ тоқлари топилади.



Тармоқларнинг эквивалент қаршиликлари:

$$\underline{z}_{1\varnothing} = \frac{\underline{z}_1 \underline{z}_2 - \underline{z}_M^2}{\underline{z}_2 - \underline{z}_M}$$

$$\underline{z}_{2\varnothing} = \frac{\underline{z}_1 \underline{z}_2 - \underline{z}_M^2}{\underline{z}_1 - \underline{z}_M}$$

Тенгламага асосан эквивалент схемасини тузамиз.



Демак паралелл схемада уланган индуктив ғалтак ток занжирини эквивалент схема, ёки қаршилик параметрлари орқали индуктив боғланмаган актив қаршилик R_3 ва X_3 индуктив қаршилик кўринишда ифодалаш мумкин .

$$\underline{z}_3 = R_3 + jx_3$$

Хусусий ҳолда, агар ($R_1 = R_2 = 0$) бўлса,

$$L_{1\varnothing} = \frac{L_1 L_2 - M^2}{L_2 \mp M}, \quad L_{2\varnothing} = \frac{L_1 L_2 - M^2}{L_1 \mp M}$$

Занжирнинг умумий қаршилиги:

$$\underline{Z}_\varnothing = \frac{\underline{z}_1 \underline{z}_2 - \underline{z}_M^2}{R + \underline{z}_2 \mp 2\underline{z}_M}$$

3. Индуктив боғланган занжирни ҳисоблашда **боғланиш коэффициенти -К** орқали ҳам ифодаланади.

$$K = \frac{M}{\sqrt{L_1 L_2}} \leq 1$$

Индуктив боғланган ғалтаклар мос равишда ёки қарама – қарши бириктирилган бўлса:


$$L_{\text{мос}} = L - M > 0 ; \quad L_{\text{қк}} = L + M < 0 \quad \text{ёки} \quad M = \frac{L_M - L_{\text{қк}}}{4}$$

Индуктивлик L ва ўзаро индуктивликлар M мувозанат тенгламаси.

$$M^2 \leq L_1 L_2 \quad \text{ёки} \quad 2M^2 \leq L_1 + L_2$$

4. Ўзаксиз трансформатор (ҳаво трансформатори)

Схемада берилган ўзаксиз трансформатор занжирини ҳисоблашда контурли ток усули ёки эквивалент схемаси билан бажарилади. Агарда трансформаторнинг бирламчи чўлғамидан оқадиган токни аниқлаш зарур бўлса, мураккаб индуктив боғланган ток занжири эквивалент схемасидан фойдаланган ҳолда иккиламчи чўлғам комплекс қаршилиги ўрнига бирламчи чўлғамча кирувчи актив R_0 ва реактив x_0 қаршилиқлар билан алмаштирилади:



$$R_0 = \frac{Z_M^2}{R_2^2 + x_2^2} R_2$$

$$x_0 = \frac{Z_M^2}{R_2^2 + x_2^2} x_2$$

Бунда R_2 ва x_2 - трансформаторнинг иккиламчи чўлғам актив ва реактив қаршилиқлар.

Истемолчи қаршилиги инобатга олинган:



$$R' = R_2 + R_H, \quad x'_2 = x_2 + x_H$$

Доимо $R \geq 0$ бўлиб, сарф бўладиган қувватни ифодалайди.

Агар трансформатор иккиламчи чўлғамига индуктив қаршилиқ уланган бўлса, унда $x_{2L} > 0, x_0 < 0$ бўлиб трансформатор магнит оқими сусаяди

Агарда сиғим қаршилиги уланган бўлса, $x_{2C} < 0, x_0 > 0$ бўлиб трансформаторнинг магнит оқими кучаяди.

Трансформаторнинг эквивалент схемалари.



5. **Бир нечта индуктив боғланган мураккаб ток занжирини ҳисоблашда,** Кирхгоф қонунлари, контурли ток усули, устма-устлик усул ва эквивалент генератор усулларидан фойдаланилади.


Ўзаро индуктив боғланган ток занжирлари Кирхгофнинг иккинчи қонунига асосан тенглама тузилганда қушимча $\dot{U}_M = \pm j\omega M_{nk} \cdot \dot{I}_k$ ифода пайдо бўлиб n - ғалтак \dot{I}_k ток оқиб утганда ҳосил бўладиган кучланишни ифода қилади. Бунда плюс (+) ёки минус (-) ишоралар индуктив ғалтакларнинг уланиш схемаси билан боғлиқ бўлади.

Индуктив боғланган ток занжирларнинг контурли ток усулидан фойдаланиб ҳисоблашда, n -контурдаги $\pm j\omega M_{nk} \cdot \dot{I}_k$ ифода ишорасини аниқлашда, n ва k контурлар боғловчи ғалтакдаги контур тоқлари I_n ва I_k бир хил йўналишда бўлса, “плюс” ишора, агарда қарама-қарши йўналишда бўлса, “минус” ишора билан олинади. (Схемада нукта билан белгиланган ишоралар тоқларнинг киришига мос келади ҳамда “плюс” ишораси билан ҳисобга олинади.)

4-2. **Масала ечиш.**

Масала 4-1 Кетма-кет уланган иккита реактив ғалтак параметрлари $R_1 = 60\text{ом}$, $R_2 = 40\text{ом}$, $x_{i_1} = 8\text{ом}$, $x_{i_2} = 10\text{ом}$ бўлиб, $U = 300\text{В}$ кучланишга уланган.

Боғланиш коэффициентини $K=0,565$ бўлган иккита ғалтакнинг ўзаро мос ва қарама-қарши уланган схемалари учун ўлчов асбобларнинг кўрсатиш қийматлари аниқлансин.



Ечиш :

А) Кетма-кет (мос) уланиш

Ўзаро индуктив қаршилик: $x_M = \omega M = k\sqrt{\omega L_1 \cdot \omega L_2} = 0,565\sqrt{8 \cdot 1} = 1,6 \text{ Ом}$

Комплекс ток:
$$\dot{I} = \frac{\dot{U}}{R + j\omega L_{\text{мос}}}$$

Бунда
$$L_{\text{мос}} = L_1 + L_2 + 2M$$

$$R = R_1 + R_2$$

Комплекс кучланиш ҳақиқий сон бўлиб $\dot{U} = U = 300\text{В}$

Ёки:
$$\dot{I} = \frac{\dot{U}_2}{R + j\omega L_{\text{мос}}} = \frac{300}{10 + j12,2} = 12,05 - j14,7\text{А}$$

Амперметрдан оқиб утувчи токнинг ҳақиқий қиймати:

$$I = \sqrt{12,05^2 + 14,7^2} = 19\text{А}$$

Биринчи ғалтакдаги комплекс кучланиш:

$$\dot{U}_1 = \dot{I}_1 (R_1 + j\omega L + j\omega M) = (12,05 - j14,7) \cdot (6 + j4 + j1,6) = (213,3 + j27,5)(B)$$

Вольтметрдаги кучланиш: $U_1 = \sqrt{213^2 + 27,5^2} = 216B$

Иккинчи ғалтакдаги комплекс кучланиш:

$$\dot{U}_2 = \dot{I} (R_2 + j\omega L_2 + j\omega M_2) = (86,4 - j27,4)(B)$$

Масаланинг ечимини текширамыз:

$$\dot{U} = \dot{U}_1 + \dot{U}_2 = 213,3 + j27,48 + 86,4 - j27,4 = 299,7 + j0,06 \approx 300B$$

Б) Қарама-қарши үланиш.

Комплекс ток:
$$\dot{I} = \frac{\dot{U}}{R + j\omega L_{kk}}$$

Бунда:
$$L_{\text{қарама-қарши}} = L_1 + L_2 - 2M$$

Ёки:
$$x_{L_{kk}} = \omega L_{kk} = \omega L_1 + \omega L_2 - 2\omega M = 8 + 1 - 2 \cdot 1,6 = 5,8 \text{ Ом}$$

Ток
$$\dot{I} = \frac{300}{10 + j5,8} = (22,5 - j13) \text{ A}$$

Амперметр курсатадиган киймати: $I = \sqrt{(22,5)^2 + (-13)^2} = 26A$

Биринчи ғалтакдаги кучланиш комплекс ифодаси

$$\dot{U}_1 = \dot{I} (R_1 + j\omega L_1 + j\omega M) = (22,5 - j14) \cdot (6 + j8 + j1,6) = (218 - j65,6)B$$

Вольтметрдаги кучланиш:


$$U_1 = \sqrt{(218)^2 + (65,6)^2} = 226B$$

Иккинчи вольтметрдаги комплекс кучланиш:

$$\dot{U}_2 = \dot{I} (R_2 + j\omega L_2 - j\omega M) = (82,2 - j65,5)B$$

Демак ўзаро индуктив қаршилик абсолют киймати $x_M = \omega M > x_{L_2} = \omega L_2$ дан бўлиб реактив қаршилиги “минус” ишорага тенг ҳамда комплекс “сиғим” қаршилигига мос эканлиги ифодаляйди.

Масала 4-2. Ўзаксиз трансформаторнинг (ҳаво трансформатори) иккиламчи



